

Назаров М., Тожиева З.

ИЖТИМОЙ ГЕОГРАФИЯ

(Ўқув қўлланма)

Тошкент - 2003

Ўқув кўлланма Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ўқув методика бўлими томонидан нашрга тавсия этилган.

Муаллифлар: г.ф.н. доцент Назаров М.И., г.ф.н. доцент Тожиева З.Н.

Ушбу ўқув қўлланма замонавий география фанининг янги йўналишларидан бири — ижтимоий географияга бағишиланган. Унда, ижтимоий (социал) географиянинг шаклланиши, предмети, фанлар тизимида тутгаи ўрни, тузилиши ва ҳозирги замон вазифалари кўриб чиқилган. Ижтимоий географиянинг мавқеидан туриб, аҳоли, тиббиёт, рекреация, хизмат кўрсатиш, таълим ва қишлоқ жойларни географик ўрганишнинг илмий — назарий ва амалий масалалари ёритилган.

Кўлланма олий ўқув юртларининг талабалари, магистрлари ва аспирантлари учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир

проф. А.С.Солиев

Тақризчилар

и.ф.д., проф. Абирқулов Қ.Н.
и.ф.н., доцент Бўриева М.Р.

СҮЗ БОШИ

Жамият ривожланишининг конунийтларини кўпчилик фанлар ўрганади. Унинг худудий ташкил этилиши масалаларини тадқиқ этишда замонавий иқтисодий ва ижтимоий географиянинг ахамияти катта. Авваламбор, бевосита моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ёки хўжаликлар географияларининг ривожланиши билан таркиб топган иқтисодий география, ўтган асрнинг 80 йилларига келиб, хозирдаги иқтисодий ва ижтимоий географияга айланди, яъни унинг ижтимоий (социал) қаноти тезроқ ривожланди. Мазкур фан ривожланишининг ички мантиқидаги бундай қонуний жараёнларнинг марказида, инсон ва унинг ижтимоий хаёти билан боғлиқ барча мураккаблкларнинг худудий қирраларини ўрганиш масалалари ётади.

Ижтимоий география, география фанлари тизимидағи ахоли ва у билан алоқадор барча ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг худудий қонунийтларини тадқиқ этувчи, янги ва тез ривожланаётган тармоғидир. Унинг шаклланиши ва ривожланиши бир томондан география фанларининг ўз ички ривожланиши мантиқи ва, иккинчи томондан эса унга бўлган «ижтимоий буюртма» билан чамбарчас боғланган.

Хозирги даврда ижтимоий географияни, мустақил фан тармоғи сифатида тўла шаклланган деб бўлмайди. Унинг шаклланиши жараёнлари давом этмоқда, Айниқса, ижтимоий географиянинг тадқиқот объекти, тузилиши, фанлар тизимида тутган ўрни масалааларига янада ойдинлик киритиш зарур.

Ижтимоий географик тадқиқотларнинг диққат марказида (яъни маҳражида) доимо инсон омили ётади. Шунинг учун ҳам ижтимоий географияни шаклланишининг илк асоси бевосита ахоли географияси билан боғланган. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳа7\ари географияси, рекреация, тиббиёт, маданият, таълим ва фан географияларининг ривожланиши билан ижтимоий география янада кенг қулоч ёзди. Шунинг билан бирга унинг жиноятчилик, хулқ — автор ва турмуш тарзи географиялари каби бўлимлари ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳамда бундай тадқиқотга бўлган мавжуд эҳтиёжни хисобга олган холда, олий ўқув юртларининг ижтимоий география ўқув дастури асосида илк бор ўзбек тилида тайёрланган ушбу ўқув қўлланманинг яратилиши долзарб аҳамиятга эга. Шунга қарамай, мазкур ишда хатто тор маънодаги ижтимоий географиянинг барча масалалари тўла камраб олинмаган. Қўлланма, кўршлаётган илмий — назарий масалаларнинг ўта долзарблиги, уларнинг хозирча тўла асосланмаганлиги, айрим йўналишлар бўйича етарлича илмий ишланмаларнинг йўқлиги сабабли баҳс — мунозарали жихатлар ва камчиликлардан ҳам холи эмас.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоизки, жаҳон андозаларига мос холда бу фан ўз ичига барча ижтимоий географик фанларни

мужассамлаштиради. Аммо, ушбу тадқиқтада мұаллифлар ижтимоий географияни күпроқ тор маъносида кўриб чиқишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

Ўқув қўлланмадаги сўз боши, I, II, V, VII боблар г.ф.н., доцент М.И.Назаров; III боб — г.ф.н., доцент М.И.Назаров ва г.ф.н., доцент З.Н. Тожиева; IV, VI боблар — г.ф.н.доцент З.Н.Тожиевалар томонидан ёзилган.

Мұаллифлар ўқув қўлланмани янада тўлдириш ва такомиллаштириш бўйича билдирилган барча талаб, истак ва камчиликлар учун олдиндан ўз миннатдорчилигини билдирадилар.

БИРИНЧИ БОБ. ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯНИНГ ОБЪЕКТИ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ҳозирги замон фанлари тизимида бевосита аҳоли ва у билан боғлиқ масалаларни ўрганишда замонавий иқтисодий ва социал география алоҳида ўрин тутади. Айниқса, унинг социал география қаноти жамият ёки аҳоли ижтимоий ривожланининг худудий қирралари, қонуниятларини ўрганиши билан муҳим ахамияга эга.

Сўнгги ўн йиллар тажрибаси шуни кўрсатадики, анъанавий иқтисодий ва социал география фанининг тадқиқот обьекти ва предмети доираси анча кенгайди, мукаммаллашди. Авваллари илмий тадқиқотларнинг негизида кўпроқ, ишлаб чиқариш кучлари ва уларни ривожлантириш масалалари ётган бўлса, бугунги кунга келиб, а^олининг ўзини ёки инсоннинг ижтимоий эҳтиёжлари билан боғлиқ, масалаларни хар томонлама ўрганишга, айниқса, ахолининг ижтимоий, маданий — маънавий турмуш тарзини худудий ташкил этиш қонуниятларини тадқиқ этишга эътибор кучайди ва шу аснода ижтимоий географиянинг фантармоғи сифатида шаклланиши жараёнлари тезлашди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда бир қатор ижтимоий фанлар, биринчи навбатда иқтисодий фанлардаги «ижтимоийлашув» жараёни том маънода иқтисодий географияга ҳам хос. Бинобарин, аҳоли географияси, аҳотш манзилгоҳлари географиясининг ривожланиши билан иқтисодий географиянинг социал қаноти шакллана бошлади.

Иқтисодий географиянинг ривожланиши ва унинг муҳим қисми бўлган социал географияга (бу ерда у тор маънода) эътиборнинг кучайиши айрим олимлар томонидан хатто Баранский — Колсовский илмий мактабининг асосий кўрсатмаларидан қайтиш сифатида ҳам тушунилади. Бироқ, иқтисодий географиянинг ижтимоийлашувини унинг тармоқларини бир томонлама ривожланишда деб эмас, балки ўзаро уй^унликда, бирбирини тўлдиришда, бойитишда деб тушунмоқ мақсадга мувофиқдир.

Ўтган асрнинг 30—йилларидаёт Н.Н.Баранский «социал география»ни яратиш масаласини кўндаланг қўйган эди ва кейинрок, уни муҳим бўлимларининг асосий масалаларини (аҳоли географияси, хўжалик географияси, шахарлар географияси ва б) ўрганди. Ўша даврдаёт Н.Н.Баранский таъкидлаган эдики, иқтисодчи географ нафакат ахолининг таркиби, жойлашуви, аҳоли манзилгоҳларининг тавсифини, балки унинг фикр —ўйлари, урф —одатлари ва маданиятини ҳам билиши керак. Ижтимоий география, география фанлари тизимида янги шаклланиб келаётган йўналишлардан биридир. Унинг тадқиқот обьекти ва предмети тўла шаклланмаган ва бу борада олимлар ўртасида хозиргача баҳс — мунозаралар мавжуд.

Турли даврларда бевосита ахоли, яъни унинг яшаш, меҳнат қилиш, дам олиш, соғлигини сақлаш ва бошқа ижтимоий, маданий — маънавий хаёт фаолиятлари билан боғлиқ масалалар хорижда ва шунингдек, сабиқ Совет иқтисодий географияси доирасида хам ўрганиб келингган. Шунинг учун хам Ю.Г.Саушкин ижтимоий географияни иқтисодий географиядан ажратиш, иқтисодий ва социал географияни ривожланишига зид эканлигини, реал борлиқни англашга тўла жавоб бермаслигини, яъни инсонни ижтимоий хаёти мураккабликлари билан иқтисодий географиядан «сутуриб» ташлаб бўлмаслигини хам уқтиради (Вопросы географии, № 115, стр. 19).

Ҳозирги кунда ижтимоий географиянинг тор ва кенг маънодаги талқини мавжуд: Жумладан, профессор А.С.Солиевнинг таъкидлашича, тор маънодаги ижтимоий география (яъни, социал география) — бу бевосита инсон хаёти билан борлиқ масалаларнинг худудий жиҳатларини, унинг ўзи яшаб турган мухити билан муносабатини ўрганувчи фандир¹. Кенг маънодаги ижтимоий география эса ўз ичига тор маънодаги социал география ва инсоннинг ижтимоий хаёт тарзи, маданий, маънавий, руҳий ривожланиши масалаларининг худудий қирраларини хам қамраб олади.

Ижтимоий географиянинг ривожланишидаги илк ўзгаришлар хорижда (Европа) кўзга ташланади. Хусусан, «социал география» тушунчаси XIX асрнинг охирларида өз француз мактаби вакили, иқтисодчи ва социолог Ле — Пле томонидан фойдаланилганлиги манбалардан маълум. Яна бир тадқиқотчи Г.С.Дунбарнинг таъкидлашича, ушбу тушунча илк бор П.де Рузьенинг 1884 йилда чоп этилган социал география бўйича изланишларида қўлланилган.

Ле — Пле илмий мактабининг таниқли намоёндаси Э.Демолен эса социал географияни «социогеография» тарзida талқин қиласди ва унинг моҳияти маҳаллий шарт — шароитлар (шу жумладан табиий шароитлар)ни ижтимоий ривожланишга, «ижтимоий гурух»ларнинг вужудга келишига таъсири сифатида тушунтиради,

Тахминан шу даврларда, яъни 1895 йили социал география тушунчаси Э.Реклю томонидан унинг салмоқли асари бўлган «Умумий география» да қўлланилди. Бунда у социал географияни табиий шарт — шароитларнинг кишиларни меҳнат ва турмуш тарзига худудий жиҳатдан ўзгарувчан таъсир этиши маъносида тушунган. Аммо, шунга қарамай «социография» мактабининг вакиллари ҳам, Э.Реклю ҳам социал география тушунчасининг моҳиятини аниқ очиб беролмадилар ва география фанида янги фан йўналишини яратдилар, деб ҳам бўлмайди.

XX асрнинг бошларига келиб Нидерландияда география ва социологиянинг уйғунлашувидан вужудга келган «янги фан» — социал география пайдо бўлди. Унинг предмети «жамиятдаги гурухлар ва ўзаро алоқадорликларнинг регионал тақсимланишини ўрганиш» деб тушунилади. Мазкур фан тармоғининг айнан Нидерландияда пайдо бўлиши ҳам бежиз эмас. Чунки, унинг амалий вазифалари, ахолиси зич ва ер ресурслари тақчил бўлган Нидерландияда минтақавий

режалаштириш масалаларини ҳал этишда ўта долзарб аҳамият касб этди. 50 — 60 йилларга келиб эса социография қишлоқ жойлари даги худудий ижтимоий тафовутларни ўрганувчи фан сифатида Амстердам университетида ривожланди. Худди шу ўринда биз социал географияни объектив ва шиддатли ривожланишининг нафақат Нидерландия, балки ҳоҳлаган капиталистик мамлакат учун хос бўлган манбаларини аниқлашимиз мумкин. Бундай манбалар, сабаблар ушбу давлатлардаги минтақавий тафовутларнинг кескинлашуви, шаҳарлар ривожланишининг танглиги каби ўта долзарб муаммолар билан боғлиқ.

Баъзи бир ғарб олимлари ижтимоий географияда тадқиқотларнинг хулк — автор (поведенческий) ҳамда «фаровонлик» («благосостояния») мавқеидаги ёндошувларини ажратиб кўрсатишади. Биринчи ёндошув — бу хўжаликни макондаги табақаланишини субъектив равишда, яъни одамларнинг оқилона йўналтирилган хатти-харакатлари орқали асослаш, ташкил этиш билан боғлиқ. Иккинчи, яъни Д.Бартельс асослаб берган «фаровонлик» ёндошуви нуқтаи — назаридан бажариладиган социал географик тадқиқотларнинг вазифалари жамиятнинг дискриминация қилинган гурӯҳ ва худудларини аниқлаш, тадқиқ этишдан иборат. Уларга камбағаллик, очлик, хокимиёт, инсонга муносаб ҳаёт шароитларидан чекинишни тадқиқ этиш ва уларни бартараф этишнинг чора — тадбирларини ишлаб чиқиши кабилар киради. Аммо, таъкидлаш жоизки, айрим собиқ Иттифоқ ҳдмда рапб олимлари юқорида зикр этилган ёндошувларнинг изчил илмий натижалар беришига шубҳа билан қарайдилар.

Ҳозирги ижтимоий географиянинг вужудга келиши ва ривожланишига собиқ, Иттифоқ географ олим ва тадқиқотчилари ҳдм муносаб ҳисса қўшганлар. Бу даврда ижтимоий географиянинг ривожланишида шартли уч босқични ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчи босқич — ўтган асрнинг 50 — йилларигача бўлган вақтни ўз ичига олади. Бу даврга хос хусусиятлардан бири ижтимоий ходиса ва жараёнларнинг айримлари иқтисодий ва этногеографик тадқиқотлар доирасида ўрганилди. Шуларга қдрамай аҳолининг турмуш шароитлари, маданий, майший хусусиятларини ўрганишнинг зарурлиги собиқ совет география фанининг дастлабки йилларида ёқ таъкидланган эди.

Ижтимоий география ахоли географияси асосида шаклланди. Барча ахоли ёки муайян бир ижтимоий гурухнинг социал ривожланишидаги худудий тафовутларни тадқиқ этиш фақатгана ижтимоий географиянинг предмети бўлмай, балки минтақавий социологияга ҳам хосдир. Аммо, социологик тадқиқотларниш¹ худудий қамровини етарли даражада деб бўлмайди.

Иккинчи босқич — бу қисқа давр, яъни 50 — 70 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда ахоли географияси тез ривожланди ва шу билан бирга, географик тадқиқотларда социология категориялари ва тушунчалари кенг қўлланила бошланди.

Учинчи босқич - кейинги бир неча ўн йилларни ўз ичига олади ва ижтимоий география айнан шу даврда расман тасдиқланди. Ушбу босқичда бевосита ижтимоий географияга хос ишларнинг кўламини етарли деб бўлмасада, аввалгиларига нисбатан эътиборга молик ишлар бажаридди. Бу даврда бажарилган ижтимоий географик тадқиқотлар соҳавий ҳамда минтақавий жихатлари билан ажратиб туради. Айниқса, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари (номоддий соҳалар) географияси бўйича салмоқли ишлар эълон қилинди. Улар орасида қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин: «Социальная география Калининградской области». Калининград, 1982.; Габиани А.А., Гачечиладзе Р.Г. «Некоторью вопросм географии преступности». Тбилиси, 1982; Абрамов М.А. «География сервиса». М., 1985; Алексеев А.И., Ковалев С.А., Ткаченко А.А. «География сферъ! обслуживания». Калинин, 1988; Меркушева Л.А. «География сферъ! обслуживания». Красноярск, 1989; Алексеев А.И. «География сельской местности». М., 1989, «Многоликая деревня»., М., 1990 ва бошқалар.

Ижтимоий географиянинг вужудга келишида «Вопросы географии» илмий тўпламининг 5 ҳамда 115 сонлари ва, айниқса «Социальная география СССР». Л., 1984; «Проблемы социальной географии СССР и зарубежных стран». Л., 1985 каби илмий ишлар тўпламларининг аҳамияти катта.

Юқорида номлари қайд этилган илмий манбалардан маълум бўладики, ижтимоий географиянинг предмети, моҳияти ва вазифалари турли даврларда ва муаллифлар томонидан турлича татиқин қилиб. келинди ва бу борада то ҳозирга қадар баҳс - мунозарали холатлар мавжуд.

Ижтимоий — географик тадқиқотларнинг обьекти ва моҳияти. хусусидаги илк конкрет натижаларни Р.М.Кабонинг ишларида учратамиз. Жумладан, унинг фикрича «ижтимоий —маданий» география меҳнат фаолияти билан боғланган ахоли жойлашуви типлари, унинг турмуш тарзи ва ижтимоий—маданий хусусиятларининг худудий тафовутларини ва, шунингдек, хар бир ижтимоий — худудий одамлар гурухини ўзида мужассам этган барча элементларнинг мураккаб уйғулигини кўриб чиқади.

Ижтимоий географиянинг тузилиши ва вазифаларини М.Ф.Грин янада кенгроқ талқин қилди. Унинг фикрича ижтимоий география социал цикла мансуб географик фанлар билан бирга иқтисодий географияни ҳам қамраб олади. Ижтимоий географиянинг бундай кенг маънодаги талқини В.М.Гоҳман ва С.Я.Ниммик тушунган «Общественная география»га мос тушади.

Ушбу масалага амалий нуқтаи назардан реал ва асосли равища ёндошган А.А.Долининнинг фикрича «ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг минтақавий хусусиятларини, минтақаларнинг табиати, иқтисодиёти ва демографик вазиятини тавсифловчи нарсаларни жалб этмасдан чуқур ўрганиб бўлмайди, демак бундай тадқиқотларни иқтисодий — географлар муваффақиятли равища амалга оширишлари мумкин». А.А.Долинин бўйича ижтимоий географиянинг обьекти —бу одамларнинг ўзаро муносабатлари

орқали бокланган худудий бирикмаларидан иборат. Ушбу ҳолатда турлича иқтисодий, социал, демографик жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги таъкидланиб, географик фан сифатида ижтимоий география табиий шароитнинг таъсирини эътиборсиз қолдирмайди. Шундай қилиб, А.А.Долининнинг кўрсатмаларидаги эътиборни ўзига тортадиган жиҳати турли таксономик тоифадаги районларнинг ижтимоий ривожланиши даражаларини аниқлашда, ҳамда ижтимоий воқеа ва ҳодисаларни ўрганишда географик масалаларга эътиборни кучли эканлигидир.

С.Б. Лавров, А.А.Анохин, Н.Т.Агафоновлар эса ижтимоий географияни ижтимоий — иқтисодий географиянинг бир бўғини сифатида, социал структураларни муайян ижтимоий — тарихий шароитларда жойлашуви ва худудий ташкил этилиши қонуниятларини ўрганувчи фан деб ёки, бошқача қилиб айтганда, агарда ижтимоий структуралар жамият билан бир бутун ҳолда худудий ташкил этилар экан, у ҳолда ижтимоий географияни худудий ижтимоий структураларнинг ривожланиш омиллари ва қонуниятларини ўрганувчи фан сифатида ҳам тушуниш мумкин деб таърифлашади.

Аммо, юқоридаги муаллифлар ўз тадқиқотларининг сўнгига ахоли географияси доирасида айрим социал ҳодисаларни тахлил этиш тажрибасига кўра, ижтиомий географияни¹ социал соҳаларни худудий жиҳатдан ўрганувчи фанлар поғоналашувида тутган ўрнини қўйидаги тўрт йўналишга ажратади²:

1. Социал география мавжуд эмас, аммо географияда ижтимоий жиҳатларни борлиги шубҳасиздир.
2. Социал география —мустақил фан бўлиб, география фанлари таркибида энг қуи погонада жойлашган. Кўп ҳолларда уни ахоли географиясининг таркибий қисми сифатида кўриш мумкин.
3. Социал география —мустақил фан бўлиб, география фанлари таркибида ўрта иерархик поғонада, яъни масалан, иқтисодий география билан бир погонада жойлашган.
4. Социал география —мустақил['] фан бўлиб, ижтимоий география фанлари таркибида юқори иерархик поғонада жойлашгани ҳолда, ижтимоий географиянинг синоними ҳисобланади; социал (ижтимоий) география таркибига иқтисодий география хам киради.

Биринчи йўналишга мансуб муаллифлар социал (ижтимоий) география мустақил мавжуд эмаслигини ёқлайдилар. Улар жумласига Алаев Э.Б., Ковалев С.А., Ковальская Н.Я., Лаппо Г.М., Лавров С.Б., Сдасюк Г.В., Саушкин Ю.Г., Ткаченко А.А. - ларни киритиш мумкин, Ушбу отшмлар яратган бир қатор манба, ярда социал ва иқтисодий жиҳатлар бўлинмаслиги ва қатъий бўлишга уринишлар натижасиз бўлиши таъкидланади. Но социал иқтисодий ҳодисалар ва носоциал иқтисодий районлаштириш йўқ, шу билан бир вақтда улар «социал география»ни шаклланишини инкор этмайди, дейилади.

Иккинчи йўналишга мансуб қарашларга кўра, социал география мустақил бўлиб, географиянинг қуи иерархик поконасида, ахоли географияси таркибига киради. (Анохин А.А. Костяев А.И. Долинин А.А.).

Жумладан, А.А.Долинин социал географияни ахоли географиясининг ўзига хос буғини сифатида қарайди. Унинг фикрича, социал география одамларнинг худудий бирикмаларини ижтимоий ривожланиш даражаларини аниқлашда мужассамлашган.

А.А.Анохин- ва А.И.Костяевлар эса социал география аввал бошданоқ турли таксономик тоифадаги районларнинг ижтимоий хаётини худудий ташкил этилишини ўрганувчи фан сифатида шаклланди деб хисоблайдилар. Социал географияни ахоли географияси доирасидан анча кенг маънода тушунишларига қарамай, юқоридаги муаллифлар, барибир ахоли географияси асосларидан келиб чиқадилар.

Учинчи йўналишга мансуб қарашларга кўра, социал география —бу мустақил фан бўлиб, иқтисодий география билан бир даражада тургани ҳолда, ижтимоий географиянинг (кенг маънода) охириги асосий тармоғи хисобланади. бундай нуқтаи — назарни В.М.Гоҳман ва С.Я.Ныцугмиклар ёқлаб чиқишган ва улар бир ҳил шундай холосага келишган. Шунингдек, улар ривожланганлик даражасига кўра социал географияни иқтисодий географиядан орқада қоляпти, чунки социал география анча кейин шакллана бошлади деган, фикрдалар. Баъзи бир муаллифлар, масалан С.Ныммик социал географияни иқтисодий географияга қарамлигини ва шунингдек, социал ва маданий географияни бўлинмаслигини ҳам кўрсатиб ўтади¹.

Таъкидлаш лозимки, кёйинги йилларда ижтимоий (общественная) география иқтисодий география ва «ноиқитисодий», яъни социал географияга бўлинади деган фикрдаги муаллифлар сони ортиб бормоқда. Бундай илмий қараш учинчи ва тўртинчи йўналишлар орасида оралик, бўринни хосил қиласди.

Тўртинчи йўналишга мансуб нуқтаи —назарга кўра социал географияни барча ижтимоий муносабатларни қамраб олган фан сифатида тушуниш мумкин. Бу ерда «социал» ва «иижтимоий» (общественная) тушунчалари. ўзаро мос ва' улар ўзаро синонимлардир. Демак, буларга кўра социал география (ижтимоий география) бошқа ижтимоий — географик тармоқлар (ахоли географияси, сиёсий география, ҳарбий география, тарихий география ва б)дан ташқари иқтисодий географияни ҳам қамраб олади. Н.Н.Баранский ҳам ижтимоий географияни шундай кенг маънода тушунган ва бундай тушуниш маҳаллий олимларга (Солиев А., Отамирзаев О ва бошқалар) ҳам хос.

Социал географияни тутган ўрни хусусидаги биринчи йўналишга мансуб қарашлар уни ривожланишига шароит яратмайди. Иккинчи йўналишга мансуб қарашлар эса ахоли географиясининг аҳамиятини ошириб юборади. Кўпчилик тадқиқотчилар аҳотш географиясини географиянинг социал қаноти, ядрои деган фикрдалар (Лавров С.Б., Сдасюк Г.В.), еки ахоли географияси ижтимоий (общественной) географияда алоҳида рол ўйнайди^ (Нышмик С.Я).

Социал географияни тутган ўрни хусусидаги учинчи йўналишдаги қарашларнинг вужудга келиши тўла қонунийдир. Бунга кўра, социал география география фанлари таркибида ўрта даражадаги фан ҳисобланади.

Тўртинчи йўналишдаги қарашлар барчага тушунарли ва мантиқийдир. Унга кўра социал география (кенг маънода) барча ижтимоий — географик фанларни қамраб олган фан бўлиб ҳисобланади.

Хозирги вақтда кўпчилик муаллифлар томонидан «социал география» терминини бир вақтнинг ўзида тор ва кенг маънода тушунишнинг зарурати туғилди. У.Мерестенинг¹ фанларни интеграциялашуви концепцияси бўйича, ижтимоий география (кенг маънодаги социал) социал географиянинг синонимидир. Социал география — барча ижтимоий обьектлар ва улар ўртасидаги социал ва 1'егярафик муносабатларни қамраб олган ижтимоий географик тизимларни ўрганади.

Жамият томонидан яратилг-ан ва ўзининг инфраструктура (ижтимоий, ишлаб чиқариш) шароитларига эга бўлган хот\да муайян ижтимоий вазифани бажариш қжлатилган хўжалик тармоқдари ёки сюҳалари, обьектлари мавжудки, уларнинг инфраструктура тизимларини шаю\ланиши ва ривожланишининг ҳудудий масалаларини тадқиқ этиш, бизнингча, тор маънодаги ижтимоий (яъни, социал) географиянинг тадқиқот доирасига киради. Кенг маънодаги ижтимоий география юқоридаги социал географияни хамда жамиятнинг ижтимоий тузилмаларини, гурухларини, кишиларнинг ижтимоий, маданий — маънавий хаёт тарзини ривожланишининг ҳудудий масалаларини қамраб олади.

Фалсафий моҳиятига кўра, агарда инсон ва унинг турмуш шароитлари, меҳнат қилиши, билим ва дам олиши, соғлигини тиклаши, фикр —ўйлари, урф —одатлари билан боғлиқ ёки бир сўз билан айтганда кенг маънодаги ижтимоий воқеа—ходисалар макон ва замонда мавжуд экан, ўз навбатида уларни вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишининг ҳудудий қонуниятларини ўрганиш заруриятининг туғилиши табиий ва ушбу масала, фанлар мантиқига кўра, аввало география фанининг тадқиқот обьекти доирасига киради, аниқроғи у билан ижтимоий географиянинг шуруулланиши мақсадга мувофиқдир.

Социал ёки тор маънодаги ижтимоий географиянинг Ўзбекистонда шаклланиши ва ривожланишига махаллий олимлар, хусусан А.С.Солиев ва М.И.Назаровлар ўз хиссаларини қўшдилар. Жумладан, А.С.Солиев ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигига эълон қилинган қатор рисола ва ўқув кўлланмаларида анъанавий иқтисодий географиянинг ривожланиш йўналишларини очиб берган ва шу ўринда мазкур фаннинг социаллашуви (ижтимоишшуви)га алоҳида урғу берган. А.С.Солиев фикрича, кенг маънодаги ижтимоий география (иқтисодий ва социал география) энг аввало уч блок ёки таркибий қисмдан иборат. Биринчи блокка у иқтисодий география, яъни ишлаб чиқариш географиясини, иккинчи блокка ахоли билан боғлиқ социал—иқтисодий географик фанларни ва, учинчи блокка эса, тор маънодаги ижтимомий география ёки аниқроғи социал географияни киритади. Шунингдек, А.С.Солиев айрим ҳолларда «социал» тушунчаси тўла «ижтимоий» тушунчасига мос келмаслиги тпъкидлпб., биринчи атаманинг ҳам бальзан ишлатилишини мақсадга мувофиқ деб билади.

А.С.Солиев раҳбарлигига М.Назаров томонидан ахолига тиббий хизмат кўрсатиш муаммолари бўйича ёқланган диссертация (1996) анъанавий иқтисодий географиядан социл географи томон мухим бир қадам бўлди. Бунинг давоми сифатида кейинчалик фан, ва илмий тадқиқотлар географияси (Иазарова X., 1997), тиббиёт географияси (Комилова Н., 1999) бўйича диссертациялари ёқланди. Хозирда эса жиноятчилик географияси, шаҳарлар социал географияси каби йўналишлар бўйича ҳам изланишлар олиб борилмоқда.

Шундай қилиб, ижтимоий география (кенг маънода) — бу география фанлари ва ижтимоий фанлар ўртасидаги интеграция жараёнларида вужудга келаётган география фанлари тизимидан иборат. Хозирги даврда ушбу тизимда фанларнинг уйғунлашуви (синтези) рўй бермоқда ва ижтимоий географиянинг умумий назарияси тез шаклланмоқда. Демак, ижтимоий география шаклланиш босқичини бошидан кечирмоқда ва шунинг учун ҳам унинг мустақиллиги ва бир бутунлиги истиқболидан далолат беради.

Ижтимоий географиянинг мустақиллиги биринчи навбатда, мазкур фан назариясини вужудга келтирилиши билан ва иккинчидан, унинг атрофида интеграциялашган турли фанларнинг шаклланиши билан таъминланади.

Собиқ Иттифоқ давридан бошлаб ижтимоий география уч асосий йўналишларда ривожланмоеда. Биринчиси, бу ушбу фаннинг ҳозирга қадар шаклланган бўлимларининг (ахоли географияси, геодемография, ахолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси ва ижтимоий инфраструктура) ривожланишини давом этиши. Иккинчи йўналиш янги шаклланаётган бўлимларни ўз ичига олади. Буларга тез ривожланаётган рекреация географиясини, турмуш тарзи географияси, мг^даният гсографияси ва бошқалар мансуб. Учинчиси, секириллик билан бўлсада, ижтимоий географиянинг умумий назариясини пайдо бўлиши билан боғлиқ.

Ижтимоий географиянинг мухим вазифаларига қўйидагилар киради:

- 1) ижтимоий география «тариоқ»ларини ривожлантириш, яъни ахоли географияси ва жойлашуви, хизмат кўрсатиш соҳалари, истеъмол, рекреация ва бошқалар;
- 2) иирик масштабли социал — географик тадқиқотларни олиб бориш;
- 3) ижтимоий географиянинг хорижий мамлакатларда ривожланишини ўрганиш;
- 4) ижтимоий географиянинг барча йўналишларига тегишли бўлган ўзига хос вазифаси, яъни илмий тадқиқотларнинг натижаларини амалиётга тадбиқини кучайтириш.

Хозирги даврда ижтимоий география шаклланиш жараёнларини бошидан кечирмоқда. Шу сабабдан, айнан шу даврга хос бўлган энг долзарб муаммолар жумласига қўйидагилар киритилади:

- ижтимоий — географик районлаштириш (принциплари, мезонлари, кўрсаткичлар тизи-ми, тадқиқот усуслари, иқтисодий ва бошқа турдаги районлаштириш турлари билан нисбати);

-ахолининг турмуш тарзи ва даражаларидағи, ижтимоий тузилмалар ва уларнинг тадрижидағи, ижтимоий соҳаларни худудий ташкил этишдаги районлараро тафовутлар);

- умумлаштирувчи ва маҳсус ижтимоий —географик типологиялар (геодемографик вазият, шаҳарлар ва аҳоли жойлашуви тизимлари, қишлоқ жойлар ва бошқалар);
- тиббий —географик тадқиқотлар ва уларнинг долзарблигини етарлича баҳоланмаслик ва х.к.

Мазкур муаммоларнинг ҳар бири ижтимоий географияни тўла шаклланиши ва ривожланишида мухим аҳамиятлар касб этади.

Савол ва топшириқлар

1. Ижтимоий географиянинг предмети нима?
2. Ижтимоий географиянинг фанлар тизимида тутуган ўрни аниқланг.
3. Ижтимоий —географик тадқиқотлар нималарни ўз ичига олади?
4. Ижтимоий географияни таркибини тушунтиринг.

ИККИНЧИ БОБ. АҲОЛИ ГЕОГРАФИЯСИ

1. Аҳоли географиясининг предмети, вазифалари ва фанлар тизимида тутган ўрни

Аҳоли кўпчилик с) занлар учун умумий тадқиқот обьектидир. Бунда ҳар бир фан ўзининг ўрганиши предметига эга. Жумладан, демография аҳолининг тақрор барпо бўлиши масалалари билан шурут[^]ланса, социология фани жамиятдаги турли кишилар гурухлари ўртасида пайдо бўладиган муносабатлар, жараёнлар қонуниятларни ўрганади.

Аҳоли географияси иқтисодий ва социал географиянинг таркибий қисми бўлиб, аҳоли сонининг тадрижий узгаришлари, жойлашуви, таркиби ва аҳоли манзилгоҳларини ўрганади,

Иқтисодий географиянинг замонавий иқтисодий ва социал (ижтимоий) географияга айланишида аҳоли географияси катта рол ўйнади. Шу билан бирга, кўпчилик олимлар аҳоли географиясини бутунлай мустақил фан сифатида иқтисодий география билан ёнма —ён қўядилар. Е[^]унда, улар ушбу фанларнинг тадқиқот предметларини бир — биридан аник фарқланишини сабаб қилиб кўрсатадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бевосита аҳоли (жамият) ва уни ижтимоий ривожланишининг худудий муаммоларини ўрганувчи ижтимоий географиянинг вужудга келишида аҳоли географияси назарий — методологик асос вазифасини ўтайди.

Иқтисодий ва аҳоли географияларининг ўзаро бирикувидан иқтисодий ва социал география вужудга келди. Ушбу жараёнда аҳолининг қанчалик мухим аҳамиятга эга бўлишини Н.Н.Баранский қўйидагича ифодалаган эди: — «иқтисодий географ шуни унумасликлиги керакки, аҳоли нафақат ишлаб чиқарувчи, балки, истеъмолчи ҳамdir ва шундай қилиб иқтисодиёт бошдан оёқ аҳоли билан боғланг-ан».

Ижтимоий хусусиятларига кўра аҳоли: а) ишлаб чиқаришнинг субъекти; б) моддий ва маънавий бойликларнинг истеъмоу\чиси; в) такрор барпо бўлувчи; г) табиат ва хўжалик ўртасидаги алоқа ва ўзаро таъсирнинг бош бўғини каби сифатларга эга.

Аҳоли географиясининг ривожланиши иқтисодий география билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ўтган асрнинг 40 — йилларига тўғри келади. Бунда аввало Н.Н.Баранский ва Р.М.Каболарнинг хизматларини таъкидлаш керак.

Хозирги даврда аҳоли географиясида тадқиқотларнинг икки йўналиши аниқ шаклланган. Буларга, биринчидан, ахолини ўзини ўрганиш ва иккинчидан, аҳоли манзилгоҳларини тадқиқ қилиш киритилади. Бу икки йўналиш бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар дунё миқёсида ва унинг айрим минтақалари, алоҳида мамлакатлар доирасида хам шунингдек, шаҳар агломерациялари, шаҳарлар, алоҳида олинган аҳоли манзилгоҳларидан тортиб сиёсий — маъмурий ва иқтисодий бирликлар миқёсида хам амалга оширилади.

Аҳоли географияси иқтисодий ва социал география ва бошқа турдош фанларнинг тадқиқот усулларидан кенг фойдаланади. У моҳиятан ахолишунослик ва демография билан жуда яқин туради.

Хозирги даврда аҳоли географияси таркибида қуйидаги асосий йўналишларни ажратиб кўрсатиш мумкин; аҳоли сонининг тадрижий ўзгаришлари, жойлашуви ва унинг шакллари; ахолининг такрор барпо бўлиши; аҳолининг этник, жинс —ёш ва ижтимоий таркиби меҳнат ресурслари; аҳоли миграцияси; ирқлар ва динлар географияси.

Аҳоли бир вақтнииг ўзида хам ишлаб чиқарувчи, ҳамда моддий — маънавий неъматларнинг истеъмолчисидир. Шу билан бирга, аҳоли барча ижтимоий жараёнларнинг бошқарувчиси эканлигини хам унутмаслик лозим. Ахолининг бундай жиҳатлари ўз навбатида, уни нафақат такрор барпо бўлиши, балки иқтисодий жиҳатдан хам аввалроқ тадқиқ этилишига асос бўлади. Умуман олганда, аҳоли географияси иқтисодий ва социал географиянинг яхши ўзлаштирилган тармоқларидан биридир.

Хозирги даврда аҳоли географияси олдида турган вазифаларнинг назарий, амалий, таълимий жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин (Копышов 1999. с. 11). Умумназарий вазифаларига(1): жамият ривожланишининг умумий қонунлари моҳиятини англашга ёрдам берувчи аҳолининг жойлашуви ва унинг табиат билан ўзаро таъсири, такрор барпо бўлиши қонуниятлари ва жараёнларини ўрганиш; 2) кўпгина амалий вазифаларни бажариш: аҳоли сонини хисобга олиш; меҳнат балансларини тузиш; аҳоли миграциясини ўрганиш ва унинг келажак ўзгаришларини башорат қилиш; 3) аҳоли географияси бўйича билимларни оммалаштириш.

Собиқ Иттифоқ давридан бошлаб, географ олимларнинг кўпчилик қисми аҳоли географиясини иқтисодий ва социал географиянинг муҳим тармоғи деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, уни мустақил фан сифатида қаровчилар ҳам мавжуд.

Замонавий иқтисодий ва социал география фанлари тизимида, аҳоли географияси унинг «иктисодий» ҳамда «социал» қанотлари орасидаги кўприк

вазифасини ўтайди. Демак, ахоли географияси хўжаликлар ва табиий ресурслар географияси билан ўзаро чамбарчас боғлиқ. Шунингдек, у табиий география, мамлакатшунослик ва картография фанлари билан ҳам бокланган.

Ижтимоий фанлардан қуидагилар ахоли географияси билан алоқадор: демография (грекчадан ёетоз — «халқ»), яъни ахолини тақрор барпо бўлишини ўрганади); этнография (грекчадан еШпоз— «қабила», «халқ», яъни қабила, миллат, этносларнинг келиб чиқиши ҳамда уларнинг маданияти ва ҳаёт тарзини ўрганади); антропология (грекчадан апШгороз — «одам», яъни инсон жисми ва унинг келиб чиқиши ва шунингдек, инсоният ирқларини келиб чиқипги ва тарқалиши ҳақидаги фан); социология (лотинча 8ос1елаз — «жамият», яъни жамиятни ривожланиш қонунлари, ахоли гурухлари ўртасида ҳаёт ва меҳнат фаолияти жараёнида вужудга келувчи муносабатлар ҳақидаги фан); экологик (грекча о1Ь.08—«уй, яшаш жойи», яъни инсоннинг атроф — муҳит билан ўзаро муносабатларини ўрганади); рекреация географияси (лотинча гесгеайо — «тиклаш» яъни ахолининг дам олишини барча турларини ўрганади).

Юқоридагилардан ташқари, ахоли географияси билан тиббиёт географияси, меҳнат иқтисодиёти, социал гигиена, шахарсозлик ва район планировкаси каби фан тармоқлари ҳам тўғридан —тўғри боғланган.

Ахоли географияси ижтимоий географияни шаклланишида пойdevор бўлди. Чунки, ижтимоий географияни инсон ёки ахолисиз тассаввур этиб бўлмайди. Ижтимоий географиянинг дикқат марказида доимо ахоли ва унинг ижтимоий эҳтиёжлари, муносабатлари ётади.

2. Ахолшшнг географик ўрганилиши

Қадим замонлардан бошлаб олимлар турли мамлакатларнинг табиати ва хўжалигини ўрганиб, тасвираш билан бирга уларнинг ахолисини тавсифлашга ҳам катта эътибор берганлар.

Ахолини ўрганиш бўйича табақаланиш, яъни демография ҳамда этнографиянинг вужудга келиши XVIII асрнинг бошларига келиб рўй берди. XIX асрнинг охирларида эса антропогеография (Германияда, Ф.Ратцель) шаклланди. Унинг негизида географик детерминизм, яъни «инсон ва халқларнинг рухи ва жисмига» табиий муҳитнинг ҳал қилувчи таъсири этиш кояси ётган.

XIX асрнинг охирлари ва XX асрнинг бошларига келиб, Францияда инсон географияси шаклланди. Унинг йирик номоёндалари (П.Видаль де ла Блаш, Ж.Брюн) асосий эътиборни табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсири масалаларига қаратдилар. Мазкур йўналишнинг вакиллари антропогеографиядан фарқли ўлароқ, ахолининг географик ривожланиши хусусиятларининг сабабларни нафақат табиий, балки, иқтисодий, ижтимоий, тарихий ва рухий омиллар билан ҳам тушунтирадилар.

Ҳозирда, ахоли географияси турлича йўналишлар (геодемография, шахарлар географияси, миграция географияси, ахоли географиясида математик моделлаштириш) бўйича ривожланган мамлакатларнинг университетларида ўқитилади.

Ахоли географияси тадқиқ этилган кўплаб асарлар рус тилида ҳам чоп этилди. Улар жумласига Д.Форрестер ва бошқаларнинг «География городов», «Динамика развития города»; Дж. Гарнер, Д.Харвей, Я.Гамильтон, П.Хаггетларнинг «Модели в географии»; Ж.Боже—Гарнье ва Ж.Шаболарнинг «Очерки по географии городов» каби асарларни киритиш мумкин.

Ахоли географиясини ривожланишида сабиқ Совет даври ҳам алоҳида ўрин тутади. Бу даврда ахоли географиясининг ривожланишига Н.Н.Баранский, Р.М.Кабо, В.В.Покшишевский, О.А.Константинов, Ю.Г.Саушкин, С.А.Ковалевлар катта ҳисса қўшдилар. Бу соҳада хозирда ҳам салмоқли тадқиқотларни амалга ошираётган йирик олимлар жумласига Лаппо, Б.С.Хорев, В.П.Максаковский, А.И. Алексеев ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ўзбекистонда ахолини турли жиҳатдан географик ўрганишда Ковалев С.А., Ташбеков Э., Валиева Р., Қораҳонов М., Салимов Х., Асанов Г., Акрамов З.М., Отамирзаев О., Солиев А.С., Ахмедов Э., Қаюмов А., Бўриева М.Р. ва бошқаларни таъкидлаш лозим. Ўзбекистонинг демографик ривожланиши эса И.Р.Муллажоновнинг ишларида батафсил ёритилган.

Ўтган асрнинг 90 — йилларидан бошлаб, Ўзбекистонда ахоли ва унинг ижтимоий ривожланиши масалаларини география ўрганиш кучайди.

3. Ахолининг тадрижий ўзгариши, жойлашуви ва такрор барпо бўлиши

Ер шари ахолиси бутун тарихи давомида секинлик билан ўсди. Бунга энг аввало инсоннинг табиатга қарамлиги, ишлаб чиқариш даражасининг пастлиги, урушлар, зпидемиялар ва очарчиликлар катта таъсир кўрсатди. Эрамизгача 8000 йил аввал дўнё ахолиси 5 млн. киши бўлган бўлса, 1200 или —450 млн., 1900 или- 1565 млн. киши, 1999 или эса 6 млрд. кишига етди.

XIX асрга келиб, дунё ахолиси сонида ўсиш тезлашди ва айниқса XX аср бошларида дунё ахолисининг йиллик ўсиши ўртacha 10 млн. кишини ташкил қилган бўлса, 50 —йилларда эса 80 млн. кишига етди. 1.987 йилда ер шари ахолиси сони 5 млрд, киши, 2000 йилда эса 6 млрд. кишидан ортиб кетди. Биргина XX асрнинг ўзида дунё ахолиси 3,5 баробарга кўпайди. Ахоли сони айниқса, 60 — 70 — йилларда тез кўпайди. Унинг бундай тез кўпайиши илмий адабиётларда «демографик портлаш» деб аталади. Ушбу жараён кўпроқ Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг ривожланаётган давлатлари учун хосдир.

Дунё ахолиси жуда нотекис жойлашган. Ер шарининг ахоли зич жойлашган 7 фоиз қуруқлик қисмида жами ахолининг 70 фоизи тўпланган, Қуруқликнинг ахоли яшайдиган қисмида ўртacha ахоли зичлиги 1 км.квга —45 кишини ташкил этади. Аммо, ушбу ўрсаткич Макаода 21559 кишини, Сингапурда -6453 киши, Газо секторида 3041 киши, Японияда —336 киши, Ўзбекистонда —54 киши, АҚШда —28 киши, Россияда -9 киши ва Монголияда —2 кишига тенг.

Шу билан бирга, қуруқликнинг ахоли яшайдиган қисмининг ярмидан ортиқроғида ахоли зичлиги 1 км.квга ўртacha 5

кишини ташкил қиласи. Ер шарининг 15 фоиз Қуруқлик қисми ханузгача инсон томонидан бутунлай ўзлаширилмаган.

Ер юзаси бўйлаб аҳолининг бундай —нотекис жойлашувига энг аввало, табиий, ижтимоий — иқтисодий ва тарихий омиллар таъсир кўрсатади.

Дунё аҳолиси 2000 йили 6055 млн. кишини ташкил қилган бўлса, ундан 3049 млн. киши ёки 50,3 фоизи эркаклардан иборат. Ҳар 100 аёлга 101,4 эркак аҳоли тўғри келади. Аҳолининг 47,3 фоизи 25 ёшгача бўлган аҳолидан иборат (2000 й). 60 ёшдан ва ундан катталар эса 10 фоизни ташкил этади. Аёллар таркибида 15 — 49 ёшдаги қисми эса 51,8 фоизга teng. Дунё аҳолисининг ўртача ёши —26,6 ёшдан иборат.

Дунё аҳолиси мамлакатларнинг социал. — иқтисодий типи бўйича ҳам жуда нотекис тақсимланган. Барча аҳолисининг 20,0 фоизи ривожланган мамлакатларга, 80 фоизи (1998 й) эса ривожланаётган мамлакатларга тўғри келади. Шунингдек, Африкада жаҳон аҳолисининг 12,7 фоизи, Осиёда 60,7 фоизи, Европада 12,4 фоизи, Лотин Америкасида (Карип ҳавзаси мамлакатлари билан) — 8,5 фоиз, Шимолий Америкада 5,2 фоизи, Океанияда 43,5 фоизи тўпланган.

Аҳолини географик ўрганишда миграциянинг роли катта. Миграция, яъни аҳолининг кўчиши ташқи ва ички миграцияга ажратилади. Келганлар ва кетганларнинг ўзаро нисбати миграция қолдиғи деб аталиб, мусбат (келганлар сони кўп) ёки манфий (кетганлар кўп) кўрсаткичларга эга.

Ҳозирги даврда дунё миқёсида рўй бераётган миграция жараёнлари ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги ўзаро алоқаларда муҳим ахамиятга эга.

Ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси сонининг теч ўсиши, ишчи кучининг ортиқчалиги, уларнинг бир қисми ривожланган мамлакатларнинг меҳнат бозорига кўчишига таъсир кўрсатади. Ички миграциянинг асосий хусусиятн аҳолининг «қишлоқ— шахар» йўналишида харакатланишидо кўпроқ кўзга ташланади.

Аҳолини географик ўрганишнинг муҳим масалаларидан бири, унинг такрор барпо бўлишидир. Аҳолининг такрор барпо бўлиши жараёни ёки бошқача қилиб айтганда, табиий ҳаракати • бу одамларнинг такрор тикланиб туриши, уларнинг авлодларини алмашиниб туришини таъминловчи туғилиш, ўлим ва табиий ўсиш жараёнларининг йиғиндисидан иборат.

Аҳолининг такрор барпо бўлиши жараёнлари дунёнинг турли регионлари, мамлакатларида турлича бўлиб, унга қуйидаги омитхлар таъсир кўрсатади.

— ижтимоий — иқтисодий (аҳолининг фаровонлик даражаси маълумотлилик даражаси; соғлиқни сақлаш тизимини ривожланганлиги; жамиятда аёлларнинг тутган ўрни; регионнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси ва х.к.);

— табиий — биологик омиллар (инсон организмининг табиий мухитга турлича мослашувчанлиги; аёлларнинг репродуктив даврини турлича бўлишига иқлимнинг таъсири; турли касалликлар ва уларнинг аҳоли ўлимига таъсири);

- демографик (аҳолининг жинс ва ёш таркиби, никоҳ ва ажралиш).

Ашоли такрор барпо бўлишининг икки типи шаклланган. Биринчи типи - бу оддий (торайган) ашоли такрор барпо бъишиши типи. Иккинчи тип т кенгайтирилган аҳоли такрор бмлиши. Аҳоли такрор барпо бъишининг биринчи типига туғилиш, ышим ва табиий ьюишнинг паст кўрсаткичлари характерли бмлиб, у асосан Европа (Россия билан бирга), Шимолий Америка, Австралия ва Океания давлатлари учун хос, Ушбу давлатларнинг қўпчилигига оддий ашоли такрор барпо бўлиши (шар бир оиласда 2-3 бола туғилиши) кузатилади.

Европаинг фақатгина Шарқий Европа (Россиядан ташқари) регионида аҳолининг табиий ўсиши манфий (туғилиш 10 промилле, ўлим 13 промилле, табиий ўсиш —3 промилле) кўрсаткичга эга (1999 й.) Италия, Швецияда хам шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Германия, Австрия, Греция ва Португалияда тутилиш ва ўлим кўрсаткичлари кейинги йилларда ўзаро тенглашди (яқин вақтларга қадар Германия табиий ўсишнинг манфий кўрсаткичи ҳукмрон бўлиб келди).

Хозирги даврда Европа аҳолисининг такрор барпо бўлишида яққол кузатилаётган мухим хусусиятлардан бири собиқ .Иттифоқ республикалари хамда социалистик давлатлардаги аҳолининг такрор барпо бўлиши жараёнлари билан боғлиқ. Жумладан, хозирда Шимолий Европада жойлашган Эстония (9—13=—4), Латвия (8—14=—6) Литва (10—11=—1); Шарқий Европадаги Беларуссия (9—13=—4), Украина (9- 15=—6), Болгария (8- 14=—6), Венгрия (10- 14=—4), Руминия (10—12 =—1), Чехия (9—11=—2) давлатларида табиий ўсиш манфий кўрсаткичларга эга.

• Аҳоли такрор барпо бўлишининг иккинчи типига туғилиш ва табиий ўсишнинг юқори хамда ўлимнинг нисбатан паст кўрсаткичлари хосдир. Аҳоли такрор барпо бўлишининг ушбу типи кўпроқ Лфрика, Осиё ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган давлатларда кузатилади. Жумладан, тутилиш ва табиий ўсишнинг энг юқори кўрсаткичлари Чад (50—17=33) ва Нигер (54 — 24= 30) каби мамлакатларда қайд этилган. Хозирда хам Марказий Африка (46—16=30) ва Фарбий Африка (43—14=29) дунёдаги аҳоли такрор барпо бўлиши энг юқори бўлган регионлардир.

Аҳолининг такрор барно бўлиши жараёнлари жаҳондаги ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда бир — биридан кескин

фарқ қиласи, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига қараганда, 1995 — 2000 йиллар мобайнида ривожланган 'мамлакатлар аҳолиси хар йили ўртача 3,2 млн кишига кўпайган бўлса, бу кўрсаткич ривожланаёт!7'ан мамлакатларда 74,5 млн кишини ташкил этиб, ўртача йиллик кўпайиш мос равища 0,28 фоиз ва 1,59 фоизга teng бўлди. Ҳар бир аёлга тўғри келувчи болалар сони ривожланган мамлакатларда 1,57 ва ривожланаётган мамлакатларда эса 3 болани ташкил этади. Ҳозирда, эркаклар ривожланган мамлакатларда ўртача 72 ёш умр кўрсалар, ривожланган мамлакатларда у 62,8 ёдага teng. Бу кўрсаткич аёт⁸ларда мос равища 79,3 ва 66,3 ёшларни ташкил этади.

Аҳоли такрор барпо бўлишининг бундай тафовутлари мамлакатларнинг нафақат иқтисодий ривожланганлик даражасига, балки аҳолисининг яшаш шароитлари, турмуш тарзи ва даражаларига ҳам чамбарчас боғлиқ.

Аҳоли географиясининг⁹ муҳим тадқиқот объектларидан бири — урбанизация жараёни хисобланади. Урбанизеидия лотинча сўз бўлиб, шаҳарлар ва улар аҳолисининг тез ўсиши хамда жамиятнинг ривожланишида шаҳарларнинг ролини ошиб бориши ва шаҳар турмуш тарзининг кенг ёйилиши жараёнлари тушунилади. Шунингдек, урбанизация шаҳарларда аҳоли ва ишлаб чиқаришни қанчалик мужассамлашганлигини ҳам ўзида акс этдиради.

Урбанизация жараёнлари учун хос бўти¹⁰ан хусусиятлардан биринчиси, унинг тез суръатларда ривожланиб боришидир. Жумладан ўтган асрнинг бошида дунё аҳолисининг 14 фоизи шаҳарларда истиқомат қилган бўлса, 1950 йилга келиб 29 фоизи, 1980 йилда 41 фоизи истиқомат қилган. Ҳозирда дунё аҳолисининг ярмида ортиқроғи шаҳарларда яшамоқда. Жаҳон миқёсида урбанизация жараёнларининг иккинчи хусусияти аҳолининг йирик шаҳарларда тўпланишини кучайишидир. XX аср бошларида жаҳонда аҳолиси 100 мингдан ортиқ бўлган 360 та катта шаҳар мавжуд бўлиб, уларда дунё аҳолисининг 5 фоизи яшаган бўлса, 80 йилларга келиб бундай шаҳарлар сони 2400 га етди ва уларда дунё аҳолисининг 25 фоизи тўпланган. Шунингдек, «миллионер» шаҳарлар сони ортиб бормоқда. 1900 йитш уларнинг сони 10 та, хозирга келиб эса 300 дан ортиб кетди.

Урбанизация жараёнларининг учинчи хусусияти йирик шаҳар агломерацияларининг вужудга келиши билан боғлиқ. Дунёнинг энг йирик шаҳар агломерациялари жумласига Токио ва Нью — Йорк агломерациялари киради. Уларнинг ҳар бирида 20 млн. кишидан ортиқ аҳоли яшайди.

Ривожлаиган мамлакатларда шаҳар агломерацияларининг ўзаро қўшилувидан мегалаполислар (грекчадан катта шаҳар маъносига) вужудга келмоқда. Улар жумласига АҚШ даги Бостваш (яъни, Бостон ва Вашингтон шаҳарлари) мегалополиси 200 км кенглиқда ва 1000 км дан ортиқроқ узунликдаги худудни ўз ичига олиб, унда 50 млн. га яқин киши истиқомат қилмоқда. Дунёдаги

энг йирик мегалополис Токайдода (Токио —Кобе) 60 млн ахоли истиқомат қилмоқда. Шунингдек, йирик мегалополислар Европада хам шаклланган.

4. Ўзбекистон ахолиси

Республика ахолиси 2000 йил бошида 24487,7 минг кишини ташкил қилди. Ахоли вилоятлар, шахарлар ва туманлар бўйича турлича тақсимланган. Ахоли энг кўп вилоятлар жумласига Самарқанд . (2670,3 минг киши), Фарғона (2664,4 минг киши), Тошкент (2350,2 минг к.), Андижон (2186,2 минг к.) ва Қашқадарё (2166,8 минг к.) вилоятлари киради, аксинча Сирдарё (642,2 минг к.) Навоий (Қ788,3 минг к) ҳамда Жиззах (974,8 минг к.) вилоятлари ахолисининг озлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, мамлакат пойтахти — Тошкент шахри, демографик салоҳияти (2142,3 минг к.) бўйича нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёдаги йирик шаҳарлардан биридир.

Республика ахолиси худудлар бўйича жуда нотекис жойлашган. Ахоли зичлиги 1 км.кв га ўртacha 55 кишини ташкил қилади. Ушбу кўрсаткич ахоли энг зич жойлашган Андижон вилоятида 520 киши, Навоий ва Қорақалпоғистон Республикасида мос равишда 7 ва 9 кишини ташкил этади.

Республика худудида ахоли қадимдан сув манбаларига (дарёлар, сойлар) яқин, суғориб дехқончилик қилинадиган ерларда зич яшаб келган. Бундай ерларда йирик қишлоқлар, шаҳарлар вужудга келган.

Ўзбекистон ахолиси турлича тадрижий ўзгаришларга эга. 1950 йили жами ахоли 6264 минг кишини ташкил қилган бўлса, 1970 йили 11800 минг киши, 1990 йили 20222 минг кишига тенг бўлди. 2000 йили республика аҳолнси 1990 йилга нисбатан 121,0 фоизга ўси, яъни ушбу даврда жами ахоли ҳар йили ўртacha 2 фоиздан кўпайди.

Вилоятлар орасида ахоли сонининг ўсиш суръатларига кўра Сурхондарё (134,7 фоиз) ва Қашқадарё (131,8 фоиз) вилоятлари юқори кўрсаткичларга эга. Уларнинг ахолиси 1990 — 2000 йиллар мобайнида ҳар йили ўу)тacha 2,8 — 3,0 фоиздан кўпайиб борди. Ушбу кўрсаткич Тошкент, Сирдарё вилоятларида 1,0—1,5 фоизни тапхкил қилади.

Мамлакат ахолисининг кўпайиб боришидаги етакчи омил бу туғилишдир. Туғилишнинг кўп қисми қишлоқ, ахолисига тўғри келади. У даврлар мобайнида турлича ўзгариб боради. Жумладан, ҳар минг ахолига нисбатан тутилган болалар сони жами ахчэли таркибида 1950 йили 30,9 ни, 1970 йили 33,6, 1981 йили 34,9 бола ва 1999 йилга келиб эса, 22,3 болани ташкил этди. Шунингдек, жами ахоли таркибида ўлганлар сони ҳар минг кишига нисбатан 1950 йили 8,8 кишини, 1970 йили 5,5, 1981 йили 7,2 ва 1999 йилга келиб эса 5,3 кишини ташкил қилди. Табиий ўсиш кўрсаткичи республика жами ахолиси таркибида 1950 йили ҳар минг кишига нисбатан 22,1 кишидан 1999 йилга келиб, 17 кишигача пасайди. Юқоридагилардан кўринадики, Ўзбекистон ахолиси учун туғилишнинг юқори даражалари кўпроқ ўтган асрнинг 70 — 80 йилларида кузатилади, умумий ўлим кўрсаткичлари эса нисбатан пасттшги билан

ажралиб туради. Ҳозирга даврда ҳар минг кишига нисбатан туғилганлар сони бўйича Ўзбекистон ўртacha даражаларга эга. Булар ўз навбатида ахоли сонининг ўсиш суръатларини пасайиб боришига олиб келди. Жумладан республика ахолиси 1950—1970 йиллар мобайнида ҳар йили ўртacha 3,2 фоиздан ўсган бўлса, ушбу кўрсаткич 1970—1990 йилларда 2,7 фоиз, 1990 — 2000 йилларда эса 1,95 фоизни ташкил қилди.

Мамлакат ахолисининг тадрижий ўзгаришларига миграция жараёнлари ҳам таъсир кўрсатади. Чунончи, 1998 йилга қадар миграция қолдиғи мусбат кўрсаткичга эга, яъни келганлар қўпчиликни ташкил қилган бўлса, 1998 йилдан бошлаб у манфий (кетганлар кўп) кўрсаткичга эга бўлди. Миграция натижасида республика ахолиси 1990 йили 13918 кишига қўпайган бўлса, аксинча, 1988 йили 30844 кишига камайди. Бунда манфий миграция қолдиғининг энг катга кўрсаткичи 1994 йилда кузатилди, яъни ушбу йили республика ахолиси миграция натижасида 138914 кишига камайди.

Хозирда Ўзбекистон ахолисининг 37,4 фоизи шахар ахолисидан иборат. Қишлоқ ахолиси 15322,2 минг (2000 й.) кишини ташкил этади. Жами ахолининг 49,8 фоизи эркаклар ва 50,2 фоизи аёлларга тўғри келади.

1 – жадвал

Ўзбекистон аҳолисининг вилоятлар бўйича тақсимла
аниши
ва тадрижий ўзгаришлари

Маъмурӣ ҳудудий бирликлар	Аҳоли сони, минг киши						Жами аҳолини ўсиш суръати 1990— 2000 йил	Аҳоли зичлиги 1км.кв киши 2000 йил		
	1990 йил			2000 йил						
	Жами аҳоли	Шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси	Жами аҳоли	Шаҳар аҳоли	қишлоқ аҳолиси				
Ўзбекистон Республикаси	20222,0	8241,3	11980,7	24487,7	9165,5	15322,2	121,0	54,7		
Қорақалпогистон Республикаси	1241,5	595,7	645,8	1503,0	724,2	778,8	121,0	9,0		
Андиҷон вилояти.	1754,5	568,4	1186,4	2186,2	657,5	1528,7	124,6	520,5		
Буҳоро вилояти.	1167,0	403,9	763,1	1419,3	440,7	978,6	121,6	35,2		
Жиззах вилояти.	772,1	222,6	549,5	974,8	294,7	680,1	126,2	45,9		
Навоий вилояти.	670,8	277,1	393,7	783,3	316,7	466,6	116,7	7,1		
Наманган вилояти	1508,5	576,5	932,0	1924,3	722,6	1201,7	127,5	243,5		
Самарқанд вилояти	2155,3	672,2	1483,1	2670,3	724,1	1946,2	123,8	158,9		

Сирдарё вилояти.	554,3	193,1	361,2	642,2	206,1	436,1	115,8	149,3
Сурхондарё вилояти	1288,8	248,5	1040,3	1736,7	344,8	1391,9	134,7	86,4
Тошкент вилояти	2118,7	940,5	1178,2	2350,2	949,7	1400,5	110,9	150,6
Фарғона вилояти	2176,3	691,8	1484,5	2664,4	776,1	1888,3	122,4	375,2
Хоразм вилояти	1036,7	284,2	752,5	1323,9	314,7	1009,2	127,7	217,0
Қашқадарё вилояти	1643,6	433,2	1210,4	2166,8	551,3	1615,5	131,8	75,7
Тошкент шаҳри	2133,6	2133,6	—	2142,3	2142,3	—	100,4	—

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари асосида тузиленган.

Республикада жами 120 та шаҳар ва 116 та шаҳарча мавжуд. Шаҳарлар орасида сон жихатидан кичик шаҳарлар (аҳолиси 20 — 50 минг киши) кўйчиликни (39,1 фоиз) ташкил этади. Жами шаҳар аҳолисининг 26 фоизи катта шаҳарларда (100 — 250 минг киши) ва яна шунча қисми эса биргина Тошкент шаҳрида истиқомат қиласи.

Савол ва топшириқлар

- 1 . Аҳоли географиясининг тадқиқот предмети нима?
2. Аҳоли географиясининг бошқа географик фанлар билан алоқасини тушунтиринг.

3. Ахоли географиясини ривожланишига катта хисса қўшган олимларни санаб беринг.

УЧИНЧИ БОБ. ТИББИЁТ ГЕОГРАФИЯСИ

1. Тиббиёт географиясининг объекти, предмети ва вазифалари

Тиббиёт географияси география ҳамда тиббиёт фанлари оралиғида вужудга келган фандир. Унинг ривожланиши билан иқтисодий географиясининг социаллашуви (ижтимоийлашуви) жараёнлари янада жадаллашди. Буларнинг натижаси ўлароқ, тиббиёт географияси замонавий иқтисодий ва ижтимоий (социал) географиясининг социал қанотидан ўрин олиб, уни янада ривожлантириди.

Кўпчилик олимлар тиббиёт географиясини мустақил фан тармоғи сифатида вужудга келиши вақтини XIX асрнинг ўрталари деб хисоблайдилар. Шу даврдан бошлаб, то ҳозирга қадар тиббиёт географиясининг тадқиқот обьекти ва предмети борасида олимлар томонидан турли туман фикрлар билдирилди ва шундай қилиб, мазкур фаннинг предмети муттасил такомиллашиб борди.

Тиббиёт географиясининг обьекти кўп қиррали ва мураккаб бўлиши билан бирга, у ўз ичига аҳолининг саломатлик ҳолати ва уни ўзгаришларини, касалликлар ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасини қамраб олади.

Тиббиёт географиясининг кўпчиликка тушунарли бўлган таърифини А.А.Келлер қўйидагича ифодалайди: « Тиббиёт географияси, географик мухитнинг . комплекс табиий, ижтимоий — иқтисодий омилларини аҳолининг саломатлик ҳолатига, инсон касалликларининг вужудга келиши ва тарқалишига таъсири қонуниятларини ўрганади»¹.

Тиббиёт географиясининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқалари жуда кенг ва хилма хилдир. У, аввало иқтисодий ва ижтимоий географиясининг ахоли географияси билан чамбарчас боғланган, сўнgra демография, социология, картография, мамлакатшунослик, этнография, социал статистика, ландшафтшунослик, иқлимшунослик, экология, биогеография, социал экология, эпидемиология, паразитология, социал гигиена ва СОРЛИҚНИ сақлашни ташкил зтиш, курортология, зоогеография каби фанлар билан мустаҳкам алоқаларга эга.

Тиббиёт географиясининг мустақил фан сифатида танилиши , гарчи кўпчилик олимлар томонидан XIX асрнинг ўрталари деб ҳисоблансада, тиббий — географик тадқиқотларга оид масалалар қадимги Шарқ ва Фарб олимларининг (Ибн Сино, Гиппократ) асарларида ёритилган. Аммо, ҳозирги тушунишдаги тиббиёт географисига оид бўлган дастлабки йирик тадқиқот — «Обобщение всеобщей медицинской практической географии» немис олими Финке томонидан 1792 йилда амалга оширилди. Бунда, у тиббиёт географиясини жойнинг ахоли саломатлиги ва касалликларига таъсирини ўрганувчи фан деб ҳисоблади.

Тиббиёт географиясининг ривожланишига хорижий олимлардан Финке, Шнуррер, Буден, Райт, Гирш, Фукс, Мей, Масако, Ратцель, Стемп, Божё —Гарнье, Лайт ва бошқалар ўз ҳиссалари ни қўшдилар.

XX аср бошларига қадар Россияда тиббиёт географиясининг назарин ва амалий масалалари П.З.Кондоиди, Н.И.Торопов, Н.И.Пирогов, И.М.Сеченов, С.П.Боткин, И.П.Павлов, Э.Х.Икавитц, Н.И.Литуновский, А.Ф.Змеев, П.И.Преображенский, Д.В.Мерцалов, К.П.Андреев, П.А.Бурсев, Н.А.Коржавин, К.С.Моркотун, С.П.Ловсов, Г.И.Архангельский, П.А.Песков, И.А.Песков, Н.И.Августовский, П.И.Шмаков, ААБунге, Е.В.Бек, В.Л.Якимов ва бошқаларнинг ишларида ёритилган.

Собиқ Иттифоқда тиббиёт географиясининт назарий методологик асослари, ахолининг саломатлик ҳолати ва нозогеографик тадқиқотлар, СОРЛИҚни сақлашни ривожланиши, тиббиёт қартографияси ҳамда тиббий — географик районлаштириш масалалари Д.К.Заболотныш, А.А.Шошин, А.П.Марковин, Е.Н.Павловский, А.И.Виноградов, А.В.Яковлев, А.А.Келлер, А.В.Чаклин, Е.И.Игнатьев, Б.Б.Прохоров, В.П.Бяков, Е.И.Веселов, Б.В.Вершинский, В.Я.Подолян, А.Д.Лебедев, А.Г.Воронов, А.П.Авцин, П.П.Решетников, Е.Л.Райх, А.П.Айриян, А.А.Половецкая, В.П.Поспелов. С.И.Белов, Е.С.Фельдман, Б.И.Ходжамбердиев, Т.Е.Болдырев, Н.К.Соколов, С.Е.Шипеленя, О.П.ЦДепин ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида очиб берилган. Бинобарин, Б.Б.Прохоров томонидан Байкал Амур магистрали қурилиши зоиаси миқёсида илк докторлик диссертацияси даражасидаги тиббий —географик тадқиқот амалга оширилган.

Ўзбекистонда эса аҳолининг саломатлиги, касалликлар ҳамда соғлиқни сақлаш масалалари бевосита тиббиёт нуқтаи назаридан бажарилган ишлар мавжуд, Аммо, ушбу масалаларни тиббиёт географияси доирасида ўрганилган маҳсус тадқиқотлар аматига оширит^маган. Ахоли ўлими билан боғлиқ демографик масалаллар А.Ғаниев томонидан кўриб ўтилган.

Ўтган асрнинг 90 — йилларидан бошлаб, Ўзбекистон ва унинг айрим регионлари бўйича тиббиёт муассасаларини ҳудудий ташкил этиш масалалари М.И.Назаров (1996), нозогеографик вазият эса Н.Комиловалар (1999) томонидон илк бор ўрганилган. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ФА География бўлими томонидан 90 —

йилларда республиканинг тиббий —географик атласига оид ишлар олиб борилган эди.

Тиббиёт географиясининг предмети турли давларда олимлар томонидан турлича ифодаланди. Бунда, кўпчилик тадқиқотчилар табиий — географик, ижтимоий —иқтисодлй омилларга катта ахамият берган ҳолда, тиббиёт географиясини география фанлари қаторига қўшса (Е.И.Игнатьев, Е.П.Павловский, Б.Б.Прохоров, Е.Л.Райх) бошқалари тиббий омилларнинг устуворлигини таъкидлаб, тиббиёт географиясини тиббиёт фанининг бир тармога деб биладилар (Д.К.Заболотний, А.И.Сыгсин ваб.).

Тиббиёт географиясининг мохияти ва вазифаларини илк бор ўрганган Н.И.Торопов (1864): «Ҳар қандай касалликни ер юзаси бўйича тарқалиши масалаларини тиббиёт географияси ўрганади», деб таъкидлаган. Э.Икавитц эса, (1885) «Ер шарининг турли мамлакатлари ва халқлари орасида ҳаёт ва ўлим, саломатлик ва касалтшкларнинг турли туман ҳодисалари тиббиёт географиясининг предметидир»² деган хуносани билдиради. Шунингдек, баъзи бир олимлар, жумладан, Д.К.Заболотньга: «Тиббиёт географияси тиббиётнинг бир тармори сифатида ер юзида турли касалликларнинг тарқалишини ўрганувчи фан», деб тиббий омилларни устун қўйса, Е.И.Игнатьев «Тиббиёт географияси географик муҳитнинг инсон танасига таъсирини ўрганувчи географиянинг бир тармоғидир» деб таъкидлайди. Е.П.Павловский (1955, с.89) ҳам география фанининг муҳим тармоғи бўлган тиббиёт географияси «Ер юзида... инсон касалликларининг тарқалиши сабабларини ўрганади» деб масаланинг географик жиҳатларига катта эътибор беради.

Тиббиёт географиясининг ҳозирги ривожланиш босқичида олимлар томонидан унинг нозогеография, саломатлик географияси ва СОРЛИКНИ САКЛАШ ГЕОГРАФИЯСИ каби бўлимлари ажратилади. Шунингдек, В.П.Бяков ва Е.И.Веселовлар собиқ, совет тиббиёт географиясининг қуйидаги асосий йўналишларини ҳам ажратадилар:

тиббий ва социал — иқтисодий омилларни тиббий — географик баҳолаш;

тиббиёт ландшафтшунослиги;

тиббиёт мамлакатшунослиги;

нозогеография (инсон касалликлари географияси);

тиббиёт картографияси.

Тиббиёт географиясининг назарий методологик ва амалий масалаларини ўрганишда собиқ Иттифоқ олимларининг хизматларини таъкидлаш лозим. Жумдадан, Е.Н.Павловскийнинг касалликларни табиий ўчоқлари ва ландшафт эпидемиологияси тоялари ва ишланмалари собиқ совет тиббиёт географиясининг

фундаментал асосларидан биридир. А.А.Шошин ва бошқа муаллифлар томонидан эса, тиббий географиясининг назарий — методологик асослари ишлаб чиқилди (Основы! медицинской географии, М., Л., 1962).

Замонавий тиббий географик тадқиқотларга, аввало мазкур фанга доир назарий — методологик тадқиқотларни тез ривожланиши; тиббий — географик тадқиқотларнинг натижаларини амалиётга қўлланишини кучайтириш; минтақавий тиббий — географик тадқиқотларни авж олишк ҳамда тиббиёт картографиясини тез ривожланаётганлиги хосдир.

Ҳозирги тиббий географик тадқиқотларда районлаштириш масалалари тобора кўпроқ амалга оширилмоқда. Бинобарин, унинг илмий асослари, тамойиллари А.А.Келлер томонидан 1962 йилдаёқ ишлаб чиқилган эди. Чунончи, тиббий — географик районлаштириш тбу комплекс тадқиқотларнинг натижаси бўлиб, ахолини саломатлик холати, табиий ва социал — иқтисодий шарт — шароитларни инсон саломатлигига таъсирий, инсон касалликларини вужудга келиши ва тарқалиши жараёнларини қамраб олади.

Тиббий — географик тадқиқотлар ва уларга бўлган амалий талаб — эҳтиёжлар хозирда тиббиёт географияси олдига қўйидаги вазифаларни қўяди:

—табиий шароит (омиллар) ёки уларнинг мажмуаларини аҳоли саломатлигига таъсирини ўрганиш;

- комплекс табиий ва ижтимоий — иқтисодий омилларнинг инсон касалликларини вужудга келиши ва тарқалишидаги ролини аниқлаш;

—ландафтлар ва алоҳида олинган давлатларда инсон касалликларини вужудга келиши ва тарқалиши қонуниятларини аниқлаш;

—тиббий — географик ишланмаларни амалий тадбики масалаларини кучайтириш.

2. Нозогеография

Тиббиёт географиясининг асосларини яратишга катта хисса қўшган йирик олим А.А.Шошин (1962,с.82), нозогеография, яъни инсон касалликлари географиясини тиббиёт географиясининг таркибий қисмларидан бири эканлигини таъкидлаган.

Тиббиёт географиясининг вужудга келган давридан бошлаб, то ҳозирга қадар бажарилган тиббий — географик тадқиқотларнинг аксариятини бевосита нозогеография билан тушунтириш хам етарли бўлмайди. Вахоланки, «Нозогеографиянинг асосий вазифаси инсон касатцшкларини географик тарқалишининг умумий қонуниятларини очиб бериш, алоҳида олинган касаликларнинг нозокомплекслари ва нозоареалларини ҳамда уларнинг тадрижий ўзгаришларини аниқлаш билан белгиланади. Демак, шундай қилиб, тадқиқот объектининг ўзига хослигига борлиқ холда, нозогеография

тиббиёт географиясининг мустақил бўлими хисобланади» (Шошин, 1962, с. 83).

Умуман олганда, тиббиёт географияси аҳоли ва унинг саломатлик холати билан боғлиқ бўлган барча географик жараён ва қонуниятларни ўрганар экан, бунда у энг аввало, географик мухитнинг аҳоли саломатлигига таъсир кўрсатувчи комплекс табиий ва ижтимоий — қиқтисодий омилларига асосий эътиборни қаратади. Улар орасида, айниқса иқлим ва атроф — мухитнинг аҳоли саломатлигига таъсири, касалликларнинг тарқалиши, аҳолининг жойлашуви, меҳнат ва турмуш шароитлари, урбанизация жараёнлари, регионнинг хўжалик ихтисослашуви хусусиятлари, соғлиқни сақлаш соҳасини ривожланганлик даражаси ва бошқалар жуда муҳимдир. Ҳозирги даврда айниқса ижтимоий — иқтисодий хусусиятга мансуб омил-ларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Улар орасида, аввало, соғлиқни сақлаш географияси ёки саломатлик географиясидан туриб, соғлиқни сақлаш тазимининг шаклланиши, ривожланиши, аҳолини саломатлик ҳолатига таъсири каби масалалар ўрганилган изланишлар мухим илмий —амалий аҳамият касб этади. Бинобарин, тиббий — географик тадқиқотларнинг муҳим илмий — амалий натижаси хисобланган тиббий — географик атласлар қишлоқ жойларда соғлиқни сақлашни холати ва ривожланига масалалари бўйича А.П.Айриян томонидан Армлистанда (1967Д970ЙЙ), Ф.Г.Григорьев томонидан эса Чувашияда (1976 й) чоп этилган.

Нозогеографиянинг мохияти ва вазифаларини тушунтиришда касалликнинг ўзини мазмуни, келиб чиқиш сабаблари хақида аниқ маълумотларга эга бўлиш лозим. Бу борада кўпгина тадқиқотларни амалга оширган олимларнинг (И.Сеченов, С.Боткин, Аничков, Петров, И.Павлов) фикрича, инсоннинг касалланиши, аввало ўзига хос биологик жараён бўлиб, инсонни атроф —мухит билан ўзаро таъсирида унинг хаёт фаолиятини бузилиши ёки бутунлай тўхташи билан боғлиқдир.

Инсон касалликлари турли —туман бўлиши билан бирга, уларни келтириб чиқарувчи сабаблар ҳам турличадир. Шу жихатдан уларни ўрганиш ва бу борадаги билимларга эга бўлиш касалликларнинг тарқалишини бартараф этишда катта амалий аҳамият касб этади.

Аввалинбор, инсон касалликларининг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш жуда муҳим масалалардан биридир. Аммо, шу билан бирга касалликларнинг ҳудудий тарқалиши қонуниятларини очиб бериш келажакда пайдо бўлиши (тарқалиши) мумкин бўлган касалликлар ареалларини аниқлаш ҳам долзарб масалалардан бири хисобланади.

Инсон касалликларининг келиб чиқиши объектив омиллар билан чамбарчас боклиқ. Бунда, энг аввало инсонни ўраб олган атроф — мухитнинг бош ролини алоҳида таъкидлаш керак. Бинобарин, Е.Н.Павловскийнинг паразитар (юқумли) касалликларнинг табиий

үчоқлари ҳақидаги ғояси (билимлари) бир қатор инсон ва ҳайвон касаллик-ларининг географик тарқалиши ва эволюцияси ҳақида илмий асосланган хулосалар олиш имконини берди.

Нозогеографик тадқиқотларда нафақат касалликларнинг келиб чиқиши ёки уларнинг тарқалиши қонуниятлари, балки нозокомплекслар, нозоареалларни аниқлаш, тадқиқ этиш

мухим масалалардан биридир. Аммо, амалда бундай нозоареаллар, айниқса нозокомплексларни аниқлаш мураккаб ва тадқиқотчидан чуқур эпидемиологик билимларни билимларни хам талаб қиласи.

Нозокомплекс бу, бир қатор бўғинларни (компонентларни) ўз ичига олган бир бутун тизим сифатида тушунилиши мумкин. Ушбу бўтиналарнинг хдр бири ўзаро бевосита алоқадорликка эга. Улардан бирортасининг ўзгариши дорҳол бошқасига ўз таъсирини кўрсатади. Инсон касалликларидан бирортасига мансуб бўлган нозокомплекс бир томондан, касалликни вужудга келтирувчи (чақиравчи) шарт — шароитларни ва иккинчи томондан, айнанг шу касалликни қабул қилишга мойил организмни ўз ичига қамраб олади. Жумладан, эндемик буқоққа хос бўлган нозокомплекс, энг аввало ушбу касалликка мойил бўлган инсон организми хамда сув ва озиқ — овқат маҳсулотларида йод моддасини етишмаслигини ўз ичига олади. Нозокомплексларни, айниқса юқумли касалликлар бўйича кўплаб ажратиш мумкин.

Нозокомплексларнинг компонентлари ва улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик содда (инсон —сув ёки озиқ —овқатда йоднинг етишмаслиги) ёки мураккаб (атроф мухитнинг икки, уч ва ундан ортиқ компонентлари ва инсон организми) кўриниш (тур)ларга эга. Мураккаб нозокомплексларга, кўпинча инсон паразитар касалликлари билан боғлиқ бўлган (безгак, лейшманиоз, кана энцефалити ва б.) ларни киритиш мумкин. Муайян ҳудуд доирасидаги турлича нозокомплекслар, бевосита инсон касалликлари билан алоқадор бўтиян нозогеографик вазиятнинг у ёки бу ҳолатини белгилашда муҳим рол ўйнайди.

Нозогеографик вазиятнинг бош мезонлари ва кўрсаткичларига аҳолининг ўртacha умр қўриши, умумий ва болалар ўлими даражаси, аҳолининг касалланиши, турли мамлакат ва районлардаги экологик, санитария —гигиена ва эпидемиологик холатлар киради. (Солиев, Комилова, 1999, с.12)

Замонавий нозогеографик тадқиқотларни касаликларнинг нозоареалларини (тарқалиш ҳудудларини) ўрганмасдан тасаввур қилиб бўлмайди. Дсмак, нозоареал —бу аҳоли орасида муайян бир касаллик тури хисобга олинаётган ёки пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳудудни ўз ичига олади. Уларнинг вужудга келиши, майдони, чегаралари

табиий — географик, ижтимоий — иқтисодий омиллар таъсирида турлича шаклланади.

Алоҳида олинган инсон касалликлари нозоареалларининг тадрижий ўзгаришларини тадқиқ этиш натижасида уларнинг вужудга келиши сабаблари ўрганилиб, тарқалиши мумкин бўлган ҳудудлар аниқланади. Бу эса, касалликларнинг аввалдан қачон ва қаерда пайдо бўлишини билишда ва уларга қарши тиббий чора — тадбирларни амалга оширишда катта ахамиятга эга.

Турлича инсон касалликларининг нозоареалларини ўзаро хамда атроф —мухит омиллари ва шарт —шароитлари билан таққослаш, ўз навбатида уларнинг вужудга келиши, хозирги ҳолати ва келгусидаги ўзгаришлари қонуниятлари ҳақида хulosалар олиш имконини беради.

Нозогеографиянинг ичида айрим касалликларни келиб чиқишини тарихий даврлар мобайнида ўрганувчи тарихий нозогеография йўналиши ҳам мавжуд. Ҳозирда, тиббиёт географияси таркибида минтақавий (региональная) тиббиёт географияси шаклланиб бормокда (Келлер, 1989, с.12). Бу йўналиш бўйича кўплаб нозогеографик тадқиқотлар собиқ Иттифоқда амалга оширилган. Ўзбекистонда эса буидай тадқиқотлар жумласига, Н.Комилова томонидан бажарилган диссертацияни киритиш мумкин. Бинобарин, Бухоро вилояти нозогеографик вазияти масалалари ёритилган ушбу иш Узбекистонда нозогеография бўйича амалга оширилган илк тиббий — географик тадқиқотдир.

Инсон касалликларининг келиб чиқиши ва тарқалишида ёки нозокомплекслар ва нозоареалларни вужудга келишида касалликларнинг ривожланиши билан атроф —мухит омиллари орасида узвий алоқадорлик мавжуд. Бунда атроф — мухитнинг табиий ва ижтимоий — иқтисодий омилларини етакчи ролини алоҳида таъкидлаш лозим.

Инсон касалликлари ва унинг турлича нозокомплекслари ва нозоареалларини вужудга келиши ва тадрижий ўзгаришларпига таъсир кўрсатувчи омилларга қуйидагилар киради:

1. Табиий —географик омиллар (иқлим, ер юзаси тузилиши, сув манбалари ва тупроқ, ҳайвоиот ва ўсимликлар, регионнинг экологик ахволи) инсон касалликларини вужудга келишига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Шунингдек, улар касалликларни ҳудудий тарқалишини белгилаб, нозоареалларни вужудга келишида катта рол ўйнайди.

II. Ижтимоий — иқтисодий омиллар (соғлиқни сақлаш тизимини ахволи, ахолининг жойлашуви, зичлиги, жинс —ёш ва ижтимоий таркиби, маълутмотлилик даражаси, кўчиб юриши, яшаш ва меҳнат шароитлари, шахар ва қишлоқлар гўри ва тизими, транспортнинг ривожланганлик даражаси, урбанизация жараёнлари, регион (ҳудуд) нинг хўжалик ихтисослашуви, ишлаб чиқариш кучларининг жойлашуви ва ривожланиш даражаси, ижтимоий ва ишлаб чиқариш

инфраструктурасининг ҳолати ва бошқалар) нинг инсон касалликларини келиб чиқипти ва нозоареалларини вужудга келишидаги таъсири кучайиб бормоқда.

Нозоареаллар миқёсида ахолинниг касалланиши даражаси ва касалликларнинг тарқалишида табиий ҳамда ижтимоий — иқтисодий омилларнинг ролини аниқлаш замонавий тиббий — географик тадқиқотларнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Савол ва топшириқлар

1. Тиббиёт географиясининг ўрганиш обьекти ва предмети нима?
2. Тиббиёт географиясининг география фанлари тизимида тутган ўрнини тушунтириш.
3. Нозогеографик вазият нима?

Ахолиннинг саломатлик холатига таъсир кўрсатувчи омилларни санаб беринг.

ТЎРТИНЧИ БОБ. РЕКРЕАЦИЯ ГЕОГРАФИЯСИ 1. Ҳудудий рекреация тизими-географиянинг ўрганиш обьекти сифатида

Рекреация географияси — инсонларнинг соғлигини мустахкамлашга, гармоник жиҳатдан ривожланишига хизмат қилувчи соҳаларни ўрганадиган ижтимоий географиянинг мухим бир тармогидир.

Тиббий — биологик муносабатларда рекреацион фаолият организмни табиий — психологик функцияларини қайта тиклашга йўналтирилган. Бу мақсадда инсонларнинг турли хил касалликларини даволаш ва дам олишини тўрри ташкил этиш учун керакли ўзига хос турли табиий, кимёвий хусусиятларга эга бўлган табиат омилларидан фойдаланилади.

Рекреация географиясининг олдида инсонларнинг даволаниши ва дам олишида ҳар хил касалликларнинг ривожланиш механизmlарини, ҳудудий рекреация тизимлари (ХРТ) дан самарали фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш ва кўрсатишдек мураккаб вазифалар турибди. Бу соҳанинг назарий асосларини кенгайтириш амалий вазифаларни хал этишда илмий ва методологик ёндошув рекреацион тадбирлар самарасини кўтаришга хизмат қиласи.

Дам олиш масканидаги функционал касаллик билан касалланганлар учун иқлим шарбити, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг тавсифи, рельеф, жойнинг эстетик хусусиятлари асосий рол ўйнайдиган бўлса, шамоллаш ва дистрофик касалликларни даволашда табиатнинг энг мухим минерал сувларидан, даволовчи балчиқ ва иқлим —терапевтик омиллардан фойдаланиш мухим ахамият касб этади. Минерал сувларни, даволовчи балчиқ, иқлимни ва ундан профилактик ҳамда даволаниш

мақсадларида фойдаланишни ўрганадиган тиббиёт билимларининг тармоқи «курортология» номини олди.

В.С.Преображенский (1975) рекреация географиясининг объектини айнан худудий рекреация тизимларининг шаклланиши ва ривожлантиришнинг худудий масалаларини тадқиқ этишдан иборат деб белгилайди.

Рекреация географияси фан сифатида ижтимоий географик фанлар оиласига мансубдир, зеро худудий рекреация тизимларнинг асосий функцияси социал ҳисобланади. Мана шундан келиб чиқиб худудий рекреация тизимларнинг тўртта асосий типи ажратилади: 1 — даволаш, 2 — соғломлаштириш, 3 — спорт, 4 —англаш (позновательньш).

Мазкур типларнинг ёрдами билан ҲРТ мақсадига кўра анча мураккаб тиббий — биологик ва ижтимоий масалаларни ҳал этади. ҲРТ нинг рекреация даволаш типида даволашнинг асосий функцияси табиий омилларга таянганлиги билан тавсифланади: минерал сувлари, даволовчи балчиқ, иқлим шароити.- Бундай тизимларга Кавказнинг минерал сувли курортлари, Евпатория, Анапа курорт — шахарлари ва бошқаларни мисол қилиш мумкин. ҲРТнинг бу типи табиат мажмууси олдига жуда катта бальнеологик ресурсларга бўлган талабни қўяди. Бундан ташқари худуднинг ободлиги, хизмат кўрсатиш даражасини қўтариш талабини хам энг олдинга суради.

Рекреация функционал даволаш типини етакчи компонентлари бўйича даволаш ташкилотларига жалб этиш учун учта кичик типларга ажратилади:

- А) иқлимий даволаш рекреацияси;
- Б) балчиқ даволаш рекреацияси;
- В) бальнеологик даволаш рекреацияси.

II. ҲРТнинг рекреация соғломлаштириш типи. Унинг асосий функцияси — инсоннинг маънавий ва жисмоний қувватини ривожлантириш ва қайта тиклашга қаратилган. Жисмоний ва маънавий ривожлантириш функцияси, иккинчи даражали тарзда сақланиб келинаётган бўлсада, бироқ ҳозирда сезиларли аҳамият касб этмоеда. Тартиб билан жисмоний машғулотлар олиб бориш бу тип учун алоҳида аҳамиятга эга.

ҲРТнинг айнан шу типи худуднинг ободлиги, табиий, маданий— тарихий мажмуаларнинг даражасига, дам олувчиларга кўрсатилаётган хизмат ҳолатига жуда катта зарурат сезади. Экскурсиялар, мевалар териш, спорт ўйинлари, қуёш ва ҳаво ваннаси, чўмилиш машғулотлари сокучомлаштириш циклига киради. Бундай сорломлаштириш рекреациясига Қримнинг жанубий қирғоқлари, Адлер, Москва одди да?! олиш зоналари хизмат қиласиди. Худди шу ҲРТ типига лагерлар, дала ховлилари (дача) поселкалар хам мисол бўла олади

Мазкур ҲРТнинг рекреация соғломлаштириш типи қуйидаги кичик типчаларга ажратилади:

А) — пляж чўмилиш соғломлаштирит рекреацияси; Б) — сайд қилиш соғломлаштириш рекреацияси.

III. ҲРТнинг рекреация спорт типининг асосий функцияси жисмоний ривожлантиришдан иборат. Ушбу тип учун жисмоний машгулотлар, жумладан спорт ўйинлари ва мусобақалар, алъинизм, ов қилиш, балиқ тутиш кабилар тавсифидир.

Сайд қилиш, чўмилиш, қуёш ва хаво ваннаси, экскурсиялар кўшимча тарзда муҳим рол ўйнайди. Булар организмнинг фаолиятини қайта тиклашга кўмак беради. Ушбу тип табиий комплексларга, айниқса экзотик, мавжуд табиий тўсиқлари (алъинизм) бўлган спорт машғулотларини ўтказишни таъминлайдиган инженерлик бинолари мажмуасига эга бўлган жойларга жуда катта эҳтиёж сезади. Шунингдек спорт майдонлари, осма йўллар, фуникулёрлар хам бўлиши зарур.

IV. ҲРТ нинг рекреация — англаш, фикрлаш типининг асосий функцияси—инсонни табиат ва маданий бойликлардан фойдаланиш йўли орқали маънавий ривожлантиришни амалга оширишдир. Бу типнинг етакчи машғулоти бўлиб экускурсия (тарихий — маданий, айни вақтда архитектура ёдгорликлари, этник ёдгорликларни томоша қилиш, музейларга бориш, табиий ходисалар тўғрисидаги манзаралар билан танишиш фауна ва бошқаларни кузатиш) ва хаваскорлик ижодиёти саналади.

ҲРТнинг фикрлаш, англаш рекреация типи учун коммуникация тармоқлари (автомобил, пиёда ва бошқа йўлларнинг турли типлари) ҳамда бошқа инженерлик бинолари билан яхши таъминланган бўлиши лозим. Бундан ташқари рекреация фволияти давомида табиат ва маданий компонентларидан алоҳида — алоҳида эмас балки мажмуа тарзда фойдаланилади.

Маданий англаш типида маданий—тарихий ёдгорликларни бориб кўриш ва томоша ўйинларига ташриф буюриш асосий машғулотлардан ҳисобланади.

Бу тип тарихий — маданий ёдгорликлар ҳамда санъат фестиваллари, спорт мусобақалари ўтказилаётган жойлар билан боғлангандир. ҲРТ

нинг бу типига Санкт- Петербург, Москва, Киев, Самарқанд, Суздални мисол келтириш мумкин.

Табиатни англаш типи учун табиат ҳодисалари билан танишиш ва қизиқарли манзараларни томоша қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Манзарани томоша қилиш, хаваскорлик ижодиёти, чўмилиш, қуёш ва ҳаво ванналарини қабул қилиш ҳам ушбу типга тегишилдир. Айнан шу тип учун табиат мажмуасини ўзгартирмаслик талаби ўта муҳим бўлиб, бу билан боғлиқ рекреация йўли ва йўлаклари тармоғини яхши ташкил этиш, хизмат кўрсатиш тизими кабиларни яхшилаш жуда зарур.

Маълумки, турли хил дам олувчилар ҲРТ нинг алоҳида тизимлари олдига турли талабларни қўяди. Баъзилари табиат комплекслари билан алоқаси бевосита чегараланган холда ҳизмат кўрсатиш ва техника тизимининг аҳамиятини юқори қўяди яъни пляжга бориб чўмилишидан кўра бассейнга боришни маъқул кўришади. Айрим кийшилар эса табиат ёки қизиқарли ёдгорликлар билан танишишни улар билан мустаҳкам алоҳида бўлишини афзал билишади.

Юкоридаги ҲРТ ларнинг функционал типларидан ташқари бевосита аҳоли эҳтиёжини қондиришдаги ҳудудий жиҳатлари билан чамбарчас боғланган типлари ҳам мавжуд бўлиб, уларни 2 та гурухга ажратиб ўрганиш мумкин. 1. Урбанизациялашган. 2. Урбанизациялашмаган.

Ўз навбатида урбанизациялашган ҲРТ қуйидаги типларни ўз ичига олади!:! Курорт —шахарлари. 2. Экускурсия марказ — шахарлари. 3. Дала ҳовли посёлкалари.

Ушбу типлардан баринчи ва иккинчилари — юқори даражада урбанизациялашган ҳудудларда, кенг миқёсда техника жиҳозларига эга бўлган ҳизмат кўрсатиш ривожланган ва тўлалигича маданийлашган хатто «иккиламчи» табиат асосида даволаш, англаш ва ўйин~кул!'и дам олишга бўлган эҳтиёжини қондиришга мўлжалла нгандир.

Урбанизациялашган ҲРТ нинг кичик типи кам урбани зациялашган ҳудудга тегишли бўлиб бу ерда дам олувчилар бир томонлама ўзининг меҳнати билан қишлоқ хўжаллк махсулотларини етиширишни ташкил этиш ва ундан табиий холда фойдаланиш имкониятига иккинчидан — пиёда юриш енгил бўлган зоналарда посёлкаларга туташ табиат ландшафтларидан фойдаланиш қулагиларига эга бўлади.

Урбанизациялашмаган ҲРТ авваламбор рекреация табиат паркларида намоён бўлади. Улар соғломлаштриш спорт машгулотларини олиб боришда табиат билан мустаҳкам алоқада бўлган холда самарали ва фаол дам олишни (айнан тоза ҳавода) таъминловчи, кам ўзлаштирилган табиат мажмуаларига эга бўлиши лозим

Худудий рекреация тизимлари география фанлари қаторида айнан аҳоли жойлашиши ва ҳудудий хўжаликлар

тизимиға киради. Шу боисдан худудий хўжалик мажмуалари (туризм географияси худди хўжалик тармоғи тарзида) ва жойлашиш тизимларини мухим элементи сифатида рекреация тизимларини иқтисодий география ва аҳоли географияси ўрганиши зарур. Бу эса рекреация тизимларини тадқиқ этиш ва лойихалашда географлар иштирок этиши ва рекреация муаммоларини география фанлари тизимининг мухим тармоғи тарзида ўрганиш зарурлиги ҳақида хулоса қилиш имконини беради. ҲРТ—рекреация географиясининг тадқиқот объектидир.

Худудий рекреация тизими таркиби бўйича гетероген, ўзаро боғлиқ тизимчалардан: дам олувчилар, табиий ва маданий мажмуалар, инженерлик жиҳозлари, хизмат кўрсатувчилар, бошқарув органи ва бир бутун худудий бирикмалардан тузилган. Рекреация географиясининг мухим вазифаси худудий рекреация тизимининг ривожланиш ва шаклланишининг объектив қонуниятларини аниқлашдан иборат.

Рекреация географиясининг шаклланиши даставвал анънавий географик усуллардан фойдаланган ҳолда тадқиқ этилади. Буларга камерал, картографик, статистик маълумотларни тахлил этиш, анкета — сўров каби усуллар киради.

Иккинчидан рекреация географиясининг ривожланишида унинг тадқиқот объектини аниқлаб олиш мухим ҳисобланади.

Учинчидан, рекреацион фаолият унинг ўрганиш объекти бўлмасада аммо географиядаги рекреация масалаларини илмий ҳал этишда зарур бўлган фанларни шакллантириш.

Рекреация географияси ҲРТларни лойихалаш ёки ўрганиш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этиши мумкин эмас. Рекреация географияси фаолиятининг майдони ва географлар олдида пайдо бўладиган рекреация вазифаларининг хажми бир —бирига тўғри келмайди. Дам олиш ташкилотларини географик аспектда ўрганиш борасида рекреация географияси бир вақтда яъни бажариш функциясида коянинг раҳбари ва буюртмачининг ташкилотчиси сифатида етакчилик ролини ўйнаши лозим.

Рекреация географияси ўзининг объектини ўрганишда нафакат география фанлари билан, балки бошқа рекреация фанлари билан (рекреация архитектураси, психология, социология, иқтисод ва б.) хам ўзаро таъсирда бўлади. биз шуни унутмаслигимиз лозимки ҲРТни география аспектида ўрганиш тўлалигича рекреация географиясини қамраб ололмайди, чунки кўп сонли рекреация муаммоларини битга география фанлари кучи билан ҳал этиб бўлмайди.

2. Худудий рекреация тизимларини шаклланишига таъсир этувчи омиллар

ҲРТ ларни шаклланишига аҳолининг рекреацияга эҳтиёжи, давлатнинг иқтисодий ва социал сиёсати, аҳоли даромадлари ва бўш

вақтинг үсиши, табиий ва маданий — тарихий ресурсларнинг жойлашиши ва бошқа омиллар таъсир кўрсатади. ҲРТни шакллантирувчи омиллар алоҳида эътибор билан чўқур қара/шди. Сабаби улар етарлича хилма —хил шунинг учун уларни шундай тизимлаштиришга эришиш орқали яъни ҳар бирининг аҳамиятини яхшироқ изохлашга харакат қилинади.

Н.С.Мироненко (1972) рекреацион районларнинг шаклланиши ва ривожланишда иқтисодий географик омиллар гурухини ажратади (Мироненко бўйича рекреация райони рекреация тизими сифатида қаралади): 1) Рекреация ресурслари рекреация районларининг шакт\ланиши ва ихтисослашувида ҳамда бошқа районлар билан ўзаро боғлиқлигини аниқлашда асос хисобланади; 2) Иқтисодий геофафик ўрин ахолининг рекреация районини танлашини, озиқ —овқат ва меҳнат ресурслари билан таъминлашини белгилайди;

3) Ахолининг жойлашиши тизими;

4) Рекреация инфраструктурасининг ривожланганлик даражаси;

5) Рекреация хизматининг бошқа хўжалик тармоқлари билан алоқаларининг тавсифи. Ушбу омилларни шундай гурухлаш минтақа масалаларини хал этувчи, минтақа материаллари билан ишловчи кўпгина географлар ва лойихачилар учун етарлича маъқулдир.

Омилларни гурухлашда бошқа тадқиқотчилар таклифларига қўра бирламчи талабнинг шаклланиши иккинчи томондан уларни (реализация) амалга ошириш сифатида қарайдилар. Масалан, А.П.Дубнов (1970) туризм ривожланишига таъсир этувчи барча омилларни иккита асосий гурухга ажратишни таклиф этади: жалб этувчи омиллар қайсики буларга масалан, табиий шароит, маданий ҳаёт ва район тарихий ҳаёт шароити: ҲРТ яратилишини режалаштиришда буларга қайсики туризм ресурслари, туризм хизматини ишлаб чиқиши ҳажми ва даражаси, транспорт узунлиги рекламани йўлга қўйилганлиги, табиий шароит, район ҳаёт даражаси киради.

Жалб этиш омиллари инсонни рекреация оламига қизиқтиради, дифференциация омиллари минтақа туризм бозори чегарасини аниқлайди.

Бундай гурухлаш сўров ўтказишида туризмнинг минтақавий хусусиятларини белгилашда ёрдам беради. Шунингдек, Мариота таклифи ва бошқа яна кўплаб ҲРТ ривожланишидаги омиллар билан шуруулланган олимлар ишини келтириб ўтиш мумкин.

Биз барча омилларни ҲРТ яратиш талабини вужудга келтирувчи ва бу эҳтиёжини амалга оширувчи омилларга бўлишни таклиф этамиз.

ҲРТ яратиш талабини вужудга келтирувчи омиллар тизимларни фаол қамраб олган, жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари билан борланган. Шу ўринда таъкидлаш керакки айнан мана шу омиллар ҲРТ

асосий хоссаларини (мустаҳкамлик ва динамиклиқ, хилма — хиллик, яхлитлик) аниқлади.

ҲРТ яратиш талабини амалга оширувчи омиллар бир даражали ҲРТ жараёнлари ва хоссалари билан, (жойлаштириш, ишлаб чиқариш, транспорт, табиий, этник ва унинг тизимчалари) боғланган.

Бу омилларнинг ахамияти жуда муҳим. Бундан ташқари амалга оширувчи маҳаллий аҳамиятга эга омиллар ҳам мавжуд.

Таъкидлаганимиздек, илиқ денгиз, катта дарё ва кўл, даволовчи балчик, тоғлар, ўрмон массивлари, маданият ёдгорликлари, шундай омиллар хисобланади, булар ҲРТни жойлаштириш имкониятини аниқлашга хизмат қиласди. Зеро мавжуд яхши пляж ва чиройли ўрмонларнинг борлиги айнан шу худудда ҲРТ ташкил этиш мумкин дегани эмас, чунки жамиятда бу табиат мажмуасидан бошқа мақсадда фойдаланиш кўзда тутилган бўлиши мумкин. Масалан, денгиз қиргоқларидан сувнинг кўтарилишига асосланган электростанция қуриш, ўрмонлардан ёғочни қайта ишлаш саноати учун хом ашё манбаи сифатида фойдаланиш шулар жумласига киради.

3. Ўзбекистонда ҳудудий рекреация тизимлари

Ҳозирги вақтга келиб география фанида муҳим ахборот йўналиши бўлган минтақавий рекреация географияси бошқа минтақавий соҳалардан бирмунча фарқли ривожланиш хусусиятига эга. Маълумки, ҳар бир давлат ўзининг ҳудудида ҲРТнинг барча типларини ривожлантиришни хоҳлайди. Аммо барчасида ҳам бундай имконият мавжуд эмас. Саёҳатчилар учун барча жойни, хатто Антарктида ёки космосни қизиқарли рекреация обьектига айлантириш мумкин, бироқ бунинг учун етарлича моддий ва молиявий асослар бўлиши талаб этилади. Инфраструктура ва экологик шароит бу ўринда алоҳида аҳамиятга эга.

Рекреация вазифасини ҳал этишда муайян ҳудуд яшаш учун яхши қурилган биноларга эга зоналарни, гидротехник ва инженерлик қурилиши, транспорт магистраллари, бошқарув органлари ҳамда хизмат кўрсатувчи субъектларни ўз ичига олган табиий ва маданий мажмуаларга эга бўлиши лозим. Буларнинг барчаси бутунлигича ҳудудий рекреация тизимини яратади. Маълумки, рекреация географиясининг ўрганиш обьекти айнан ҲРТ ва уни турли типларининг ҳудудий шаклланиши, ривожланиши масалалари бўлиб ҳисобланар экан. Ўзбекистонда мустақилликка эришгандан кейин бу фанг бўлтан эътибор кучайди. Собиқ Иттифоқда бу фан атрофлкча ўрганилган ва бунда кўпроқ ҲРТнинг 1 — 2 — 3 типларини ривожланишига алоҳида аҳамият берилган. Ўзбекистонда ўша даврларда ва ҳозирда ҳам маҳаллий аҳамиятга эга ҲРТлар жумласига Тошкент вилоятидаги Чимён соғломлаштириш оромгохи (2 — 3 типлари) киритилади. Буидан ташқари, табиат баррида вужудга келган

Зомин, Оқтош, Косонсой согломлаштириш оромгохлари ҳам шулар жумласидандир.

Республикамизда ҲРТларнинг 1—2 — 3 типларини яратиш учун, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида, Фарғона водийсида, Жиззах вилоятининг Бахмал ва Зомин туманларида, Кашикадарё вилоятининг Китоб ва Шахрисабз туманларида рекреация ресурслари мавжуд, бироқ ҲРТ вужудга келиши учун керак бўлган омилларнинг етарли эмаслиги ҳамда минтақалар имкониятининг йўқлиги ^уфайли рекреация фаолиятини талаб даражасида ривожлантириш мураккабдир. Аммо шу билан бирга, Ўзбекистонда қадимий тарихий ёдгорликлар меъморий обидаларнинг борлиги ва уларнинг айнан республикани инфраструктура шароитлари яхши йўлга қўйилган, йирик шаҳарларда жойлашганлиги, ҲРТ нинг мана шу турини ривожлантириш учун жуда қулайдир. Қолаверса, ушбу тармоқни келгусида тараққий эттириш Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятига чиқиши ва мамлакат иқтисодиётини кўтаришда мухим омиллардан бири бўлиши шубҳасиздир. Ривожланган давлатлар (АҚШ, Франция, Италия) тажрибаси шуни кўрсатадики, туристларни қабул қилиш ва хизмат кўрсатиш мамлакатга катта даромод келтиради. Ўзбекистонда бу жараён эндиғина йўлга қўйила бошлади ва буни амалга ошириш учун бир қанча лойихалар (Шарқ марвариди) ишлаб чиқилди. Ўзбекистон туризмни ривожлантириш учун қандай манфаатларга эга? —деган савол туғилиши табиий.

Биринчи манфаат — янги иш жойлари яратилади. 1996 йилда «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг берган маълумотларига кўра 30 минг киши бевосита ушбу туризм соҳасида хизмат қилган.

Иккинчи манфаат — қўшимча даромад ва маблағлар тушумидан иборат. Экспертлариинг фикрича дунёда битта саёхатчининг ўртacha харажати 770 АҚШ долларини ташкил этади. Ўзбекистонга келган туристларнинг ҳар биридан ўртacha 1,2—1,3 минг АҚШ долларига тенг даромад олинади.

Молиявий холатни яхшилашга туризмдаги нархни кўтариш хисобига эмас, балки қўшимча янги хизмат турларини яратиш эвазига ҳам эришиш мумкин. Янги қўшимча хизмат турини яратиш орқали кўпгина давлатлар катта иқтисодий самарага эришиб келмоқа, а. Масалан, Сингапур 5,6 млн туристга кўрсатилган хизмат орқали 6,5 млрд АҚШ доллари, Миср —(3,7 млн турист) мос равишда 3,8 млрд доллар, Малайзия (6,8 млн) 3,3 млрд доллар даромад кўрадилар.

Учинчи манфаат — маҳаллий махсулотлар учун янги бозоу^лар ташкил этишдан иборат. Бу эса маҳаллий саноатни ўзининг ишлаб чиқариш қувватларини кучайтиришни талаб этади.

Тўртинчи манфаат — маҳаллий инфраструктура ва коммунал объектлар ҳамда хизматларни замонавийлаштириш, хизмат кўрсатиш турлари ва даражаларини ўстиришдан иборат
Бешинчи манфаат—янги касб ва технологияга эга бўлиш.

Олтинчи манфаат — жамиятдаги атроф — муҳит муаммоларини, маданий меросни химоя қилиш зарурлигини чукурроқ англаш.

Еттинчи манфаат — ердан фойдаланишга янгидан ёндошиш.

Махаллий туризм — минтақавий, мит\лий ва ҳатто ҳалқаро туризмнинг бирламчи асоси. Юқорида келтирилганидек барча ҲРТлар ва улар ичидаги туризмнинг ривожланиши жойлардаги мавжуд ресурсларнинг ихтисослашиши ва тарқалишига боғлиқ. Масалан, Хива, Самарқанд ва Бухородаги мавжуд тарихий — маданий ёдгорликларнинг борлиги ўша жойларда маданий англаш, диний туризмни, Жиззах вилоятидаги табиат зоналари ландшафт туризмини, табиатни англаш маъмурий бошқарув обьектлари, илмий ахборотлар тўплланган Тошкентда ишчан ва илмий туризмни фаол бошқдришни йўлга қўйиш зарур.

Туризмни ривожлантириш учун туристлар талабйни қондирадиган барча кулайликлар яратилган бўлиши зарур. Аммо, республикамида Тошкент ва Самарқанддан бошқа Хива, Бухорога келадиган туристлар учун айнан шу жойдаги шарт —шароит етарли эмаслиги хаммага маълум, яъни меҳмонхона, атвотранспорт хизмати, коммунал хизматлар ҳалқаро стандартларга мос эмас, Мамлакатдаги мавжуд ресурсларга алоҳида эътибор қаратган холда иқтисодни кўтариш манбай бўлган ҲРТ нинг барча типларини ривожлантириш замон талабидир. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, республикамида ҲРТнинг 4 — типини ривожлантириш учун жуда катта имконият борлигини қўрамиз. Қолаверса 2 — 3 типларни тараққий эттиришга етарли шарт —шароит мавжудлигини хисобга олган холда, рекреациянинг ана шу типларини йўлга қўйиш орқали ахолининг жимоний, маънавий соғлом бўлишига минтақаларни, молиявий, ижтимоий ахволини яхшилашга эришиш мумкин.

Савол ва тешвириқлар

1. Ҳудудий рекреация тизимлари деганда нимани тушунасиз ?
2. Рекреация географиясининг тадқиқот обьекти нима?
3. Республикамида рекреация географияси қандай ривожланмоқда ?
4. Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш учун қандай имкониятлар мажуд?

БЕШИНЧИ БОБ. АХОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

СОҲАЛАРИ ГЕОГРАФИЯСИ

Ахолига хизмат кўрсатиш соҳалари географиясининг обьекти ва предмети

Ахолининг турмуш шароитларини яхшилашда хизмат кўрсатиш соҳалари ёки бошқача қилиб айтганда, ижтимоий инфраструктуранинг аҳамияти катта. Хизмат кўрсатиш соҳалари ахолининг турли—туман моддий, маънавий кўринишидаги эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи соҳалар ва уларнинг муассасаларини қамраб олади. Ҳар бир хизмат кўрсатиш соҳаси ўз навбатида кўплаб турлича

хусусият ва кўринишга эга рўлган хизматлар турларидан ташкил топган. Бинобарин, уларни гурухлаш, таснифлаш, шаклланиши, худудий ташкил этилиши, замонавий холати ҳамда келажак ривожланиши масалаларини тадқиқ этиш катта илмий ва амалий ахамият касб этади. Кейинги ўн йилликда Ўзбекистонда ҳам мамлакат раҳбарияти томонидан ахолининг турмуш шароитларини яхшилаш, айниқса мамлакат аҳолисининг катта қисми яшайдиган қишлоқ жойларнинг ижтимоий ва иқтисодий инфраструктура шароитларини юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ахолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ўрганишда ҳар бир соҳага хос тармоқ фанлари, иқтисодиёт, социология ва бошқа фанлар билан бир қаторда география ҳам алоҳида ўринни эгаллайди. Чунки, хизмат кўрсатиш соҳалари муассасаларининг жойлашуви ва хизмат кўрсатиш даражасини ахолининг жойлашуви ва эҳтиёжлари даражасига мослиги орасидаги тафовутларни аниқлашда ахолига хизмат кўрсатиш соҳалари гвографиясининг роли катта.

Ижтимоий соҳалар ва хусусан хизмат кўрсатиш соҳалариний илмий тадқиқ этиш ишлари Абрамов М.А.,

Алексеев А.И., Ковалев С.А., Ткаченко А.А., Покшишевский В.В., Меркушева Л.А., Беленъкий В.Р., Вайтекунас С., Манак Б.А., Рутгайзер В.М., Никольский И.В., Калмуцкая Э.И., Родоман Б.Б., Лухманов Д.Н. Флоря С.И. ва бошқа олимлар томонидан амалга оширилган. Ўзбекистонда эса хизмат кўрсатиш соҳалари географик жихатдан суст ўрганилган. Умуман олг-андада эса, бу борада Эргашев О., Абдурашидов Б.А, Назаров Б., Вольфсон И., Оллоров Н.К., Жўраев Т. каби олимларнинг ишлари мавжуд. Мамлакатимизда ахолига хизмат кўрсатиш соҳаларини тиббий хизмат кўрсатиш мисолида географик жихатдан илк бор диссертация даражасидаги тадқиқот иши 1996 йили М.Назаров томонидан амалга оширилган. Аммо, мамлакатимизда ҳозирги даврдаги ахолига хизмат кўрсатиш соҳалари (ижтимоий инфраструктура) борасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар кўламини етарли деб бўлмайди. Шу билан бирга ахолига транспорт, алоқд, электр энергияси, табиий газ, сув таъминоти бўйича хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш инфрасчруктураси географик жихатдан тадқиқ этилган салмоқли макбалар ҳам мавжуд эмас.

Олимлар томонидан хизмат кўрсатиш соҳаларини илмий тадқиқ этишда «иқтисодий» ва «ижтимоий» ёндошувлар мавжуд (Алексеев А.И.). Чунончи, биринчисида хизмат курсатиш соҳалари хўжалик тармоқлари сифатида иқтисодий нуқтаи назардан ўрганилади, яъни бу ерда энг аввало кам харажат сарфланган ҳолда, кўпроқ фойда олишга асосий эътибор қаратилса, ижтимоий ёндошувга кўра хизмат кўрсатиш соҳалари - бу энг аввало ахолининг турмуш шароитлари, турмуш даражасининг муҳим шарти сифатида тушунилади. Агарда, хизмат кўрсатиш муассасаларини муайян бир ҳудудда вужудга келиши, шаклланиши ва келажакда ривожланиш

қонуниятларини эътиборга олинса, у ҳолда бизнингча учинчи, яъни худудий ёндошувни ҳам аниқлаш мумкин.

Хизмат кўрсатиш соҳаларини географик жиҳатдан ўрганишнинг зарурлиги ўтган асрнинг 60 —йилларида В.В.Покшишевский, С.А.Ковалевлар томонидан таъкидланган. Худди шу даврдан бошлаб, собиқ Иттифоқнинг бир қатор марказий университетларида «Ахолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси» курси ўқитила бошланди. 70 —йиллардан бошлаб хизмат кўрсатиш соҳалари ва умуман ижтимоий соҳаларни географик жиҳатдан илмий тадқиқ этиш йўналиши ривожлана бошлади. Мамлакатимизда эса бу борадаги ишларнинг жонланишини ўтган асрнинг 90 —йиллардан бошлаб кузатиш мумкин.

Ахолига хизмат кўрсатиш соҳалари географиясини ривожланишида собиқ Иттифоқ география жамияти томонидан 1974 йили Москвада ахолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси бўйича ўtkазилган биринчи йиғилишнинг ахамияти катта¹. Мазкур йиғилишда турли соҳа вакиллари билан хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш борасида олиб борилган мухокамаларнинг натажалари шуни кўрсатадики, фанлар мантиқига кўра хизмат соҳаларининг минтақавий хусусиятлари ва худудий ташкил этилиши масалаларини илмий тадқиқ этиш айнан география фани зймасидадир.

Шундай қилиб, ўтган асрнинг 70—йилларидан бошлаб иқтисодий ва ижтимоий география фанлари тизимида ахолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси вужудга келди. Унинг география фанлари тизимида тутган ўрни ва предмети хусусида А.И.Алексеев ва бошқалар қуидагича таъриф беришган: Ахолига хизмат кўрсатиш соҳалари"" географияси ижтимоий -иқтисодий географиянинг ўзига хос тармоғи бўлиб, хизматларга бўлган эҳтиёжлар ва уларнинг қондирилиши даражасидаги худудий тафовутлар ва шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаларини табиий ижтимоий, иқтисодий, демографик хамда турлича аҳоли жойлашуви шаклларида худудий ташкил этилиши масалаларини ўрганади⁴. ~

Ахолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси бўйича бажариладиган тадқиқотларни икки йўналишга ажратиш мумкин. биринчисида тармок, яъни хизмат кўрсатиш соҳалари алоҳида олинган ҳолда ўрганилса, масалан, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш географияси, иккинчи йўналиш — минтақавий мажмуали, яъни бунда хизмат кўрсатиш (оҳалари ' бир бутун ҳолда ва маълум бир худудда ўрганилади.

Муайян бир худуднинг табиий, иқтисодий, демографик ва аҳоли жойлашуви шарт — шароитларини хисобга олган ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳаларининг жойлашуви ва замонавий ҳолатини

тавсифлаш ва баҳолаш, шунингдек, хизматлар мажмуаси ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш энг аввало географларнинг вазифасидир.

Ахолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси таърифидан маълум бўладики, бу соҳада бажариладиган тадқиқотларда —ахолининг хизматларга бўлган эҳтиёжларига;

—хизмат кўрсатишнинг даражасига;

—хизмат кўрсатишни худудий ташкил этилиши масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ахолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси ижтимоий —иктисодий географиянинг аҳоли ва аҳоли манзилгоҳлари географияси билан чамбарчас борлик. Жумладан, аҳолининг хизматлар[^]га бўлган эҳтиёжлари ва уларнинг қондирилиш даражаси (яъни, хизмат кўрсатишнинг фактик даражаси) бевосита аҳоли географияси, аниқроғи аҳолининг турмуш тарзи географияси билан боғлиқ бўлса, хизмат кўрсатиш соҳаларининг худудий ташкил этилиши эса аҳоли географиясининг аҳоли жойлашуви ёки аҳоли манзилгоҳлари географияси билан узвий алоқадорликка эга.

Жамият ривожланишининг хозирги босқич ид-а ахолига бир қатор хизмат турларини қамраб олган хизматлар мажмуи зарур бўдади. Хизматлар турли —туман ва турлича шакл — шамойилга эга. Бу эса уларни турларга ажратиш, гурухлаш ва таркибий тузилишини аниқлашни талаб қиласи. Аммо, сабиқ Иттифоқ давридан то ҳозирга қадар ахолига хизмат кўрсатишнинг таркиби хусусида олимлар ўртасида ягона тўхтамга келинмаган. Махсус адабиётларда хизмат кўрсатиш соҳалари ва турлари хусусидаги ўзаро фарқланувчи айrim таркиблар берилган холос. Шу сабабдан бўлса керак, давлат статистика ташкилотлари томонидан ахолига хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича эълон қилинадиган маълумотларни хўжаликнинг бошқа ишлаб чиқариш (масалан, саноат, қишлоқ хўжалиги) тармоқларидағи сингари тўла —тўқис деб бўлмайди.

Авваламбор, хизмат—бу муайян бир хизмат олувчининг (аҳоли, шахс) хизматга бўлган эҳтиёжларини бевосита қондиришга қаратилган меҳнат натижасидир. Улар ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан холда «ишлаб чиқармайдитан» яъни «тоза кўриниш»даги (масалан, хуқуқшунос, врач қабули; кутубхоначи, сотувчи, официант хизмати) ва «ишлаб чиқариш шаклидаги хизмат» ёки «нарса» кўринишидаги хизматлар (масалан, шахсий буортма асосида кийим, пойабзал тикиш, мебел тайёрлаш ва хоказолар)га ажратилади. Бир қатор муа-лифлар ва хусусан Б.А.Манак ахолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, икки йирик гурухга ажратади:

1.Ахолининг моддий талаб —эҳтиёжларига хизмат қилувчи соҳалар:
1 . Савдо.

2. Умумий овқатланиш.
3. Майший хизмат.
4. Уй — жой коммунал хўжалик.
5. Йўловчи транспорти.
6. Алоқа.

7. Ижтимоий таъминот, кредит ва суғурта.

II. Шахснинг маънавий эҳтиёжлари ва ривожланишига хизмат кўрсатувчи соҳалар:

1. Таълим.
2. СОРЛИҚНИ сақлаш.
3. Маданият, санъат.
4. Жисмоний тарбия ва спорт.
5. Курорт — рекреация хизмати.

Илмий адабиётларда хизмат кўрсатиш соҳаларининг муассасалари ва корхоналарининг йиғиндиси ижтимоий инфраструктура деб хам юритиладики, уларни маънодош сифатида тушуниш катта хато бўлмайди.

Моддий ия!лаб чиқаришга бевосита боғлиқ бўлмаган, аммо, ишлаб чиқариш жараёнининг нормал кечишини таъминловчи шарт — шароитлар йиғиндисига ишлаб чиқариш инфраструктураси (транспорт, алоқа, энергия ва сув таъминоти ва бошқалар) дейилса, ахолининг кундалик турмуш шароитларини таъминлаб турувчи шарт — шароитлар йиғиндиси эса ижтимоий инфраструктура (соғлиқни сақлаш, маориф, маданий, майший хизматлар ва бошқалар) деб юритилади¹.

2. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг таркиби Хизматлар ўз моҳиятига кўра бир қанча турларга ажратилади. Бу ўз навбатида уларни ўрганиш, ривожлантириш ва шунингдек, бошқаришда катта аҳамиятга эга.

Собиқ иттифоқ ҳамда Ўзбекистон давлат режа комитети иқтисодиёт институти мутахассислари томонидан яратилган ишланмаларга кўра, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари қуидагича таркибга ва хизмат турларига ажратилган:

1. Уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш:
 - доимий яшаш учун жой бериш;
 - ётоқхоналар хизмати;
 - уйларнинг санитария — тозалик холатини сақлаш;
- аҳолини ичимлик .суви билан таъминлаш; уйларни иситиш тизими, иссиқ сув, ---табиий электр энергия билан таъминлаш ва бошқалар.
2. Чакана савдо хизмати:
озик — овқат магазинлари;
саноат ва қурилиш моллари магазинлари;
супермаркетлар;
турли бозорлар.
3. Умумий оқатланиш хизмати:
ошхонлар; кафе — барлар; ресторандар;
4. Майший хизмат кўрсатиш:

шахсий буюртма бўйича пойабзал тикиш;
пойабзал таъмирлаш;
чармли, мўйнали, тикувчилик буюмлари ва бош
кийимларни буюртма бўйича тикиш ҳамда
таъмирлаш;
трикотаж буюмларини шахсий буюртма бўйича
тикиш ва таъмирлаш;
телевизорлар, радиоаппаратуралар, магнитофон ва
радиолаларни тузатиш ва техник хизмат кўрсатиш;
музлатгичлар, чанг ютгичлар, кир ювиш ва тикув
машиналарини тузатиш;
соат тузатиш;
бошқа майший машина ва асбобларни тузатиш;
метал буюмлари ясаш ва таъмирлаш;
фуқароларга тегишли транспорт воситаларини
таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш;
енгил автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат
кўрсатиш;
мебел ясаш ва таъмирлаш;
кимёвий тозалаш ва бўяш;
кир ювиш хизмати;
аҳоли буюртмаси бўйича уй — жой ва бошқа
қурилиш ишларини бажариш ва таъмирлаш;
уй — жойларни қуриш;
уи — жойларни таъмирлаш;
умумий ва якка тартибдаги гаражлар қуриш;
фуқароларга тегишли транспорт воситалари учун
майдончалар қуриш;
фуқаролар маблағлари ҳисобидан пудрат асосида
қурилиш ишларини бажариш;
ҳаммомлар хизмати;
сартарошхоналар;
суратга олиш ва киносуратлар лабораториялари
хизмати;
ижара манзилгоҳдари хизмати;
газлаштириш, газ баллонлари тўлдириш, келтириш
ва таъмирлаш;
аҳоли юкларини ташиш;
чишталарни уйга келтириб бериш;
юқ сақлаш бўлинмалари хизмати;
тўйлар билан боғлик маросимларни ўтказиш;
қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш
бўйича хизмат кўрсатиш;
ритуал хизматлар;
бошқа майший хизматлар кўрсатиш.

5. Умумий таълим:

мактабгача тарбия муассасалари;
ўрта мактаблар;
лицейлар, касб —хунар мактаблари;
коллежлар,
олий ўкув юртлари ва бошқалар;
мактаб — интернатлар.

6. Тиббий хизмат кўрсатиш:

1) даволаш —профилактика муассасалари;
марказий район касалхоналари;
қишлоқ участка касалхоналари;
юқумли касатьшклар касалхоналари;
диспансерлар; 2) амбулатория — поликлиника муассасалари;
катталар ва болалар поликлиникалари;
стоматология по.ли клиникалари;
қишлоқ врачлик манзилгоҳлари; қишлоқ врачлик
амбулаториялари; фельдшерлик — акушерлик манзилгоҳлари;
тиббий манзилгоҳлар;
3 тиббий хайдовчилик комиссиялари;
) дезинфекция станциялари;
санитария — эпидемиология
хизмати ва бошқалар.

7. Ижтимоий таъминот:

пенсионерлар ва кам таъминланган оиласарга ижтимоий ёрдам
кўрсатиш; ногиронларни ижтимоий мухофаза қилиш;

8. Рекреация ва сайёхлар хизмати:

туристлар учун мўлжалланган меҳмонхона мажмуаларида,
базаларида, кемпингларда яшаш; туристик походларни амалга ошириш;
экскурсиялар уюстириш;
санаториялар профилакториялар, пансионатлар ва дам олиш уйларида
яшаш, даволаниш ва бошқа хизматлар кўрсатиш;

**9. АХ.ОЛИНИНГ маданий эҳтиёжларига хизмат
кўрсатиш:**

- 1) томоша кўрсатувчи муассасалар хизмати ;
кинофильмлар кўрсатиш;
спектакллар қўйиш;
концертлар ўтказиш; цирк томошалари; музей ва
кўргазмалар;
- 2) мусиқий, бадиий ва хореография мактаблари
хизмати;
- 3) маданият ва истироҳат боғлари хизмати;
рақс кечалари ўтказиш;
театрлаштирилган байрамлар, сайллар, карнаваллар, концертлар,
дискотекалар ўтказиш; аттракционлардан фойдаланиш;

- 4) клуб муассасалари хизмати;
пуллик курслар, тўгаракларда ўқитиш;
лекториялар хизмати;
- 5) кутубхоналар хизмати;
- 6) бошқа маданий хизматлар кўрсатиш;
хайвонот боғлари;
планетариялар;
бошқа хизматлар.

10. Кредит-сугурта хизмати:

жамғарма —кассалари хизмати;
суғурта хизмати;
қимматбахо қоғозлар ва буюмлар сақлаш; омонатлар
қўйиш:

11. Хуқуқий тавсифдаги хизматлар:

нотариал идоралар хизмати; хуқуқий маслаҳатхоналар;
жамоат тартибини сақлаш;

12. Жисмоний тарбия ва спорт:

жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш; саломатлик пуллик
гурухлари, сузиш, якка тренинг; спорт — томоша тадбирлари;
жисмоний тарбия ва спорт иншоотларини фойдаланишга бериш;

13. Алоқа хизмати кўрсатиш:

почта, телеграф (хат, бандерол, жўнатмалар, пул ўтказиш, телеграмма);
телефон хизмати (халқаро ва шахарлараро сўзлашувлар, меҳмонхона
ва квартиralарда телефон хизмати, телефон автоматлар);

14. Транспорт хизмати кўрсатиш:

شاҳар электр транспортида йўловчи ташиш; автомобил
транспортида йўловчи ташиш; ахолига пуллик транспорт хизмати
кўрсатиш;

15. Бошқа хизматлар:

уй — жойларни қўриқлаш хизмати;

ДОСААФ тирлари хизмати;

автомашиналарни бошқаришга ўргатувчи курслар
хизмати;

полиграфия корхоналари хизмати (турли
таклифномалар, визит карточкалари,
табрикномалари, юбилей папкалари тайёrlаш);
хорижий тилларга матнларни таржима ва таҳрир
қилиш;

олий ўқув юртларига тайёrlаш пуллик курслар;
таълим тизими ning хўжалик хисобидаги ўқув
юртлари хизмати;
ветеринария хизмати;

Юқорида санаб ўтилган ахолига хизмат кўрсатиш соҳаларининг турли —туманлиги, хизматларнинг ранг — баранглиги ҳамда хизмат кўрсатувчи муассасаларни турли вазирлик ва ташкилотларга бўйсуниши, бошқарилмши ўз навбатида уларни илмий тадқиқ этиш ва мутаносиб ҳолда ривожлантиришни бир мунча қийинластиради.

Хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланишида аҳолининг хизматларга бўлган эҳтиёжлари мухим ахамиятга эга. Уларнинг шаклланишига эса табиий — географик, демографик, ижтимоий — иқтисодий омиллар таъсир кўрсатади.

Ахолига хизмат кўрсатиш соҳаларини географик ўрганишда уларнинг худудий ташкил этилиши масалаларига асосий эътиборни қаратиш лозим.

Хизмат кўрсатиш соҳаларини худудий ташкил этиш — бу энг аввало хизмат кўрсатиш муассасалари, марказлари ва мажмуаларини муайян шарт — шароитларга боғлиқ ҳолда жойлашуви ва худудий поғоналашувидан иборат¹.

Хизмат кўрсатиш муассасаларининг маълум бир вақт ва худуддаги ҳолати, йиғиндиси муассасалар тўрини ҳосил қиласди. Муассасалар тўрини ўз навбатида тармоқлар тўри ва мажмуали (интеграл) қисмларга ажратиш мумкин. Тармоқлар тўри, бу масалан, ахолига тиббий хизмат кўрсатиш муассасаларидаи иборат бўлса, хизмат кўрсатиш мажмуаси эса энг аввало хизмат кўрсатиш марказларини ўз ичига олади. Бундай марказлар таркибида турғун (стационар) типда хизмат кўрсатувчи муассаса ёки уларни йиғиндиси мавжуд. Муассасалар эса ўзларининг хизмат кўрсатиш зоналарига (ареалига) эга.

Хизмат кўрсатиш муассасалари ўзининг таъсир зонаси билан биргаликда - хизмат кўрсатишнинг худудий тизимларини ташкил этади. Улар эса муайян хизмат турини доимий истеъмол қилувчи барча аҳоли манзилгоҳлари ва шу хизмат турининг унча катта бўлмаган муассасаларини ўз ичига олади.

Ахолига хизмат кўрсаташ муассасаларини жойластиришда қуйидаги тамойиллар мухим рол ўйнайди: а^оди учун қулайлиги (хизматни олишда кам вақт сарфлаш ва унинг сифати); истеъмолчи ва хизмат кўрсатувчининг мавжудлиги; аҳоли манзилгоҳлари ва уларнинг катта — кичикилиги; хизматларга бўлган аҳолининг эҳтиёжлари; хизмат кўрсатиш объектларининг мажмуалилиги ва ихтисослашуви; хизмат кўрсатишнинг даврийлиги; регион аҳоли манзилгоҳларининг ривожланидистиқболлари.

Замонавий хизмат кўрсатиш тизимининг муассасалари хизмат кўрсатишнинг ташкилий шаклларига кўра масофа ва вақтни ҳисобга олган ҳолда: а)эпизодик (йил давомида бир неча

марта фойдаланиш мумкин бўлган ва бир —икки соатлик транспорт қулайлигига эга бўлган);

б) даврий (ойда бир неча марта фойдаланиш мумкин ҳамда 30 — 40 минутлик транспорт қулайлиги мавжуд);

в) кундалик фойдаланишдаги (истеъмолчининг яшаш жойига мумкин қадар қулай жойлаштирилган) хизмат

кўрсатиш муассасалари ажратилади. Бу эса хизмат кўрсатиш тизимини маълум бир ҳудудда поғонали қурилишини белгилаб беради.

Хизмат кўрсатишнинг поғоналашуви, аввало ахоли манзилгоҳларининг катта —кичиклиги, функциялари билан чамбарчас боғлиқ. Ахоли манзилгоҳларининг катталашиб бориши билан улардаги хизматлар тури ва муассасалари ҳам купайиб боради ва шундай қилиб, ушбу ахоли манзилгоҳларининг регион хизмат кўрсатиш тизимида тутган мавқеи, ранги ошиб боради.

Аҳолига хизмат кўрсатиш муассасалари жойланиши белгиларига кўра:

-локал типи (бундай муассасалар ахолининг хизматларга бўлган эҳтиёжларини бевосита ишлаб чиқаришда ёки ўқиш, дам олиш даврида қондиришга хизмат қиласи — ошхона, тиббий манзилгоҳ, профилактория ва б.);

-умумий (ушбу гурухга мансуб хизмат кўрсатиш муассасалари таркибида ахолининг кундалик эҳтиёжларига хизмат кўрсатувчи муассасалар кўпчиликни ташкил қиласи ҳамда улар ахоли манзилгоҳларининг инфраструктура тизимига киради);

-район (бундай муассасалар район аҳамиятига молик вазифаларни бажаради —ўқув юртлари, маданият муассасалари ;

-районлараро типига мансуб муассасалар янада кенгроқ вазифаларни бажаради (автосервис маҳсус хизматлари, майший техника ремонти марказлари ва б.);

-республика (бундай хизмат турлари республика аҳамиятига эга ва мамлакат меҳнат тақсимотида иштирок этади —курортлар, туристик марказлар, тор профилли клиникалар ва х) типларга бўлинади.

Хизмат кўрсатиш соҳдларини ҳудудий ташкил этиш масалалари

Хизмат кўрсатиш тизимларини ҳудудий ташкил этиш, бу аввало уларнинг марказларини хизмат кўрсатиш даражалари ва тоифасига, ахоли манзилгоҳларининг катта— кичикилиги ва зичлигига, хизмат кўрсатиш зonasининг демографик салоҳиятига, ахоли жойлашуви тизимининг ривожланганлик даражасига боғлиқ.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ҳудудий ташкил этиш масалалари уларни географик жиҳатдан тадқиқ этишнинг негизини ташкил қиласи. Муайян бир вақт ва ҳудудда хизматларнинг

тузилиши ва худудий тизимларини уйрунлигини хизмат кўрсатиш соҳаларини худудий ташкил этилиши сифатида тушуниш мумкин.¹

Хизмат кўрсатиш соҳаларини худудий ташкил этиш жараёнлари бир вақтнинг ўзида ҳам уларнинг жойлашуви (замонавий ҳолати)ни ҳамда ривожланиши, ўзгариши жараёнларини ўз ичига олади.

Хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожланишида энг аввало ақолининг хизматларга бўлган эҳтиёжлари ва уларни қондиришда муайян бир худуд ёки мамлакатнинг имкониятлари муҳим ахамиятга эга.

Ахолига хизмат кўрсатиш географиясининг асосий вазифаси — хизмат кўрсатиш соҳаларини худудий ташкил қилишнинг моҳиятини очиб бериш ва ҳонуниятларини аниқлашдан иборатdir.

Хизмат кўрсатишҳо соҳаларини худудий ташкил этиш тушунчасининг моҳияти илк бор В.В.Покшишевский, С.А.Ковалев, Ю.Г.Саушкинлар томонидан очиб берилган. Жумладан, Ю.Г.Саушкин (1973, 6.225-226). хизмат кўрсатиш соҳаларининг худудий ташкил этилиши, аввало уларнинг «нуқталари»ни ўзаро ва ахоли манзилгоҳларига нисбатан, кишиларнинг кундалик мунтазам ҳаракат йўналишига мос равиша жойлашуви ва бошқаларда намоён бўлиши, бу «нуқта»ларнинг йиғиндиси ахолининг эҳтиёжларини тўла қондириши маъносида тушунади.

Ахолига хизмат кўрсатиш муассасалари тўри ва тизимларини худудий ташкил этилишига таъсир кўрсатувчи омилларга қўйидагилар киради:

1. Иқтисодий омиллар (минтақа, мамлакат ёки ахоли манзилгоҳининг иқтисодий географик ўрни, хўжалик ихтисослашуви, регионнинг иқтисодий тараққиёт даражаси, йирик саноат корхоналарининг мавжудлиги, ахолининг бандлик таркиби, даромадлари, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожланганлик даражаси ва моддий —техник асоси.

2. Ижтимоий омиллар ахолининг социал ва касбий таркиби, маълумот кўрсаткичи, урбанизация даражаси, шаҳар ва қишлоқ турмуш тарзи, ахолининг меҳнат шароитлари ва тавсифи, саломатлик ҳолати, санитария маданияти даражаси.

3. Демографик ёки «истеъмолчи» омили (ахоли сони ва унинг тадрижий ўзгаришлари, ахолининг такрор барпо бўлиши даражаси, ахолининг жинс —ёш таркиби, оиласалар сони, таркиби, катта —кичиклиги ва улардаги болалар сони, ахоли миграцияси).

4. Мехнат ресурслари омили (хизмат кўрсатиш соҳаларида бандлар сони, уларнинг жинс —ёш таркиби, маълумот даражаси, алоҳида хизмат кўрсатиш турларига кадрлар тайёрлаш имкониятлари).

5. Ахоли жойлашуви (ахоли зичлиги, шаҳар ва

қишлоқ ахолиси, ахоли манзилгоҳлари, уларнинг турлари ва катта —кичиклиги, ахоли манзилгоҳларининг зичтшги, улар орасидаги ўзаро масофа, хизмат кўрсатиш марказлари сифатидаги шаҳарларнинг узоқ — яқинлиги).

6. Транспорт омили (худуднинг транспорт алоқалари билан таъминланганлик даражаси, хизмат кўрсатиш марказлари ва шаҳарларнинг транспорт қулайлиги, қишлоқларнинг транспорт билан таъминланганлик ҳолати).

7. Табиий — географик омиллар хизмат кўрсатишни ривожланишига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Масалан, муайян бир жойнинг рекреация ресурслари шу жойда санатория — курорт хизматини ташкил бўлишига ва туризм марказларини вужудга келишига бевосита таъсир кўрсатса, иқлим омили эса касалланиш — тиббий хизмат кўрсатиш ёки иқлим уй —жой —кийим бош — хизмат кўрсатиш кўринишида билвосита ҳам таъсир кўрсатади.

Ахолига хизмат кўрсатиш соҳалари ва уларнинг муассасаларини худудий ташкил этишининг омиллари орасида, айникса ахоли ва унинг жойлапгуви хусусиятлари мухим аҳамиятга эга. Чунки, бир томондан ахоли ҳам хизмат кўрсатувчи ҳам истеъмолчи бўлса, иккинчи томондан хизмат кўрсатиш муассасалари бевосита ахоли манзилгоҳларида жойлаштирилади.

Муайян турдаги хизмат кўрсатиш муассасаларини жойлашувини

$$R_1 = \frac{\sqrt{S}}{n}$$

Ҳизматни таъсити

бахолагдда, уларнинг хизмат кўрсатиш радиусларини аниқлаш лозим:
бунда, R_1 — хизмат кўрсатиш радиуси;

S_1 -и турдаги муассасаларнинг хизмат кўрсатиш ареали (майдони);
 n — 1 турдаги хизмат кўрсатиш муассасалари сони.

Хизмат кўрсатиш радиуси кўрсаткичи хизмат кўрсатиш соҳаларини аҳолининг мужассамлашуви билан қанчалик боғлиқлигини ифодалайди.

Шунингдек, ахолига хизмат кўрсатиш муассасалари тизимини қанчалик мақсадга мувоғик ҳудудий ташкил этилганлигини муассасага эга бўлган қишлоқларнинг ўртача хизмат кўрсатиш

$$Ч = 0,56 \sqrt{\frac{S}{n}}$$

бунда

радиуси ($Ч$):

$Ч$ — ўртача хизмат кўрсатиш радиуси;

3 — хизмат кўрсатиш худудининг майдони;
п — хизмат кўрсатиш муассасасига эга ахоли
манзилгоҳлар ҳамда хизмат кўрсатиш муассасалариға эга бўлмаган
қишлоқдан хизмат кўрсатиш марказигача бўлган ўртacha
масофа (e):

$$e = 0,28 \sqrt{\frac{S}{n}} \text{ (км)}$$

билин ва пгунингдек, ҳар 10 кв.км худудга тўғри келувчи муассасалар сони, улар ўртасидаги ўртacha масофанинг катта — кичиклиги кабилар билан ҳам аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ҳудудий ташкил этиш масаласида ўтган асрнинг 30 — 40 йилларида немис олимлари В.Кристаллер (1893—1969) ва Август Лёшлар (1906—1945) томонидан машхур «марказий жойлар» назарияси яратилди. Унга кўра хизмат кўрсатишнинг ҳудудий ташкил этилиши талаб ва таклиф асосида аникланади ҳамда хизмат кўрсатиш поғонали (иерархик) тарзда ташкил этилади. Бунда, хизмат кўрсатиш марказларининг роли жуда катта. Улар тармоқ (тиббий, савдо ва ва ҳк) ҳамда комплекс хизмат кўрсатишга бўлинади.

Аҳолига хизмат кўрсатишни ҳудудий ташкил этилиши шахар ва қишлоқ жойларда турличадир. Шахарларда хизмат кўрсатиш муассасаси ва корхоналарини жойлашуви, аввало, шаҳарнинг катта — кичиклигига, шаклига, биноларнинг зичлиги, ва шунингдек, йирик корхоналарнинг жойлашуви боғлиқ. Қишлоқ жойларда эса хизмат кўрсатишни ҳудудий ташкил этилиши аввало, аҳоли жойлашуви, транспорт тизимларини ривожланганлик даражасига ҳамда йирик хизмат кўрсатиш марказлари сифатида шахарларнинг яқин жойлашуви ва бошқаларга боғлиқдир.

Шундай қилиб, хизмат кўрсатиш соҳалари географияси, ижтимоий географиянинг аҳоли географияси билан ёнма-ён ривожланган мухим тармоқларидан биридир. Унинг ижтимоий натижаси жамият ривожланишининг мухим жабхаси бўлган — хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожланишининг ҳудудий қонуниятларини ўрганиши билан белгиланади.

Савол ва топшириқлар

1. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси нимани ўрганади?
2. Хизмат кўрсатиш соҳалари географиясининг фанлар тизимида тутган ўрнини тушунтиринг.
3. Хизмат кўрсатиш муассасаларини ҳудудий ташкил этилишига таъсир этувчи омиллар нималардан иборат?
4. Ижтимоий инфраструктура деб нимага айтилади?

ОЛТИНЧИ БОБ. ТАЪЛИМ ГЕОГРАФИЯСИ

1. Таълим географияси, унинг обьекти ва предмети

Хозирги ривожланган жамиятда кишиларда хилма —хил моддий ва маънавий неъматларга бўлган эҳтиёж пайдо бўлди. Истеъмолчиларнинг бундай эҳтиёжларини бевосита қондиралиган хизмат соҳаси —мехнат сарфланадиган мустақил обьект ва аҳоли томонидан истеъмол қилинадиган маънавий неъматларнинг манбаларидан биридир. Маълумки, аҳолининг турли хил эҳтиёжларини гурухлагандан улар қуидагича: моддий, маърифий ва маънавий, социал қўринишга эга бўлади.

Таълим географияси мана шу эҳтиёж турларидан бири бўлиб, у инсоннинг юксалиши ва жамиятнинг ривожланиши учун табиий зарурият бўлган маърифий салоҳиятнинг турлари, таркиби, тузилиши ва уларнинг ҳудудий ташкил этилганлиги ҳамда ривожланишини ўрганади.

Таълим географиясини ўрганишнинг обьекти бирон бир худуд, макондаги таълим тизимлари бўладиган бўлса, унинг предмети ана шу таълим тузилмалари яъни мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари, ўрта — маҳсус, касб — ҳунар таълими билим юртлари, олий ўқув юртлари, олий ўқув ютидан кейинги таълим муассасалари кадрлар тайёрлаш малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муассасаларининг фаолияти, ҳамда уларда таълим олаёттандар сони, мактабдан ташқари шароитда билим олаётганлар сонининг худудий ўзига хос хусусиятларини очиб беришдан иборатдир. Таълимни географик жихатдан иккита тармоқга ажратилса, унинг биринчиси таълим тизими ва тўри, иккинчи тармоғини эса худуд, макон ташкил этади. Сабаби таълим тизимининг айнан жойлардаги вазияти қўп жихатдан ўша худудлар табиий — иқтисодий ва ижтимоий географияси билан чамбарчас боғлиқлигини инкор этиб бўлмайди. ТТТу ўринда авваламбор таълим тизимининг турлари уларнинг мақсадига кўра бир —биридан фарқини кўрсатиб ўтиш лозимдир.

Дарҳақиқат, мактабгача таълим тизими бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлади.

Бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришга қаратилгандир.

Ўрта маҳсус касб — ҳунар таълими, академик лицейлар бўйича ишлаш хуқуқини берадиган ҳамда бундай иш ёки таълимни навбатдаги босқичда давом эттириш учун асос бўладиган ўрта маҳсус, касб — ҳунар таълимини беради.

Олий таълим, яъни университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасалари, юқори малакали олий маълумотли мутахassisлар тайёрлашни таъминлайди. Олий ўқув ютидан кейинги таълим (аспирантура, адъюнктура, докторантураси) — биринчидан таълимни навбатдаги босқичда давом эттириш учун асос бўладиган ўрта маҳсус, касб — ҳунар таълимни беради.

жамиятнинг юқори малакали илмий ва илмий — педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилгандир.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилашни таъминлайди.

Мазкур таълим тизимининг турлари минтақалар ва тараққий этган мамлакатлар, шунингдек жаҳон стандартлари билан таққослаш, мазкур мамлакат ахолисининг маърифий ва маънавий даражасини қиёсий тахлил қитшш имконини беради. Шу боисдан, таълим географиясининг моҳияти ва мазмуни республикамиз ҳамда баъзи ривожланган мамлакатлар таълим жараёнидаги аҳвол, давлатнинг бу борадаги олиб бораётган сиёсати, асосий йўналишлари ҳамда худудий тафовутлари доирасида ўз аксини топади.

2. Ўзбекистон таълим тизими

Республикамизда қабул қилинган «Таълим ҳақида» ги қонунга биноан 1996—1997 ўқув йилидан бошлаб мактабларнинг биринчи синфларида ўқиш янги алифбода олиб борилмоқда. Бунинг учун зарур дастур, қўлланма ва дасрликлар яратилди.

Шу давр мобайнида 300 га яқин янги турдаги таълим муассасалари очидди. Олий ўқув юртлари қошида 46 та лицей ташкил этилди. 800 дан ортиқ ўқувчи чет элларда таълим олди. Кўпгина ўқитувчилар хорижий давлатларнинг илгор тажрибаларини ўрганиш мақсадида чет мамлакатларга бориб қайтди. Мамлакатдаги таълим — тарбия ислоҳати ва уларни хаётга тадбиқ қилишда ислоҳатларни босқичма — босқич ўтказиш тамойили қўйилган.

Биринчи босқич — ўтиш даври бўлиб, у 1997 — 2001 йилларда, яъни 4 йил давомида жорий этилади. Бунда кадрлар тайёрлаш тизими салоҳиятини сақлаб қолиш, унинг ривожланиши учун хуқуқий — меъёрий, илмий — методик, молиявий — моддий шарт — шароитлар яратилди. Бу босқичда асосан қуйидаги вазифаларни бажариш керак:

Миллий дастурни амалга оширишнинг бошланиши: янги талабларга жавоб бера оладиган педагог кадрларни тайёрлаш; ўқув стандартларини яратиш ва янги ўқув программалари устида ишлаш; умумтаълим мактабларини тузилиши жиҳатидан қайта қуриш; уч йиллик таълим — ўрта маҳсус ва касб — хунар билим юртлари (касб коллежи ва академик лицей) тизимига замин тайёрлаш; узлуксиз таълим -тарбия тизимига асос соладиган тадбирларни амалга ошириш; ижтимоий ҳимояни кафолатлаш каби масалаларни ечиш босқичи.

Иккинчи босқич 2001—2005 йилларни ўз ичига о/с!ди. Бунда Миллий дастурни кенг миқёсда тўлиқ амалга оширишга эришиш даркор. Табиийки, тизим фаолиятининг самарадорлигини, меҳнат бозорини инобатга олиб, ижтимоий — иқтисодий шароитдан келиб чиқиб, дастур гоялари ва қоидаларига керакли ўзгартиришлар киритилади.

Учинчи босқич —2005 ва кейинги йилларга мўлжалланган бўлиб, унда тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида ўзгарувчан ижтимоий — иқтисодий шарт—шароитларни эътиборга олган ходда кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш зарур.

Кадрлар тайёрлаш тизимининг шакланиши ва фаолият кўрсатишининг асосий тамойиллари қуидаги вазифаларни ўз ичига олади:

барча хил ва турдаги таълим муассасаларида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш;

давлат таълим стандартларини жорий этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш механизмини ишлаб чиқиш;

ихтисосликлар, малака даражасига кўра мутахассисларга бўлган умумдавлат ва минтақавий талабларнинг истиқболини аниқлаш;

таълим тизимини тузилиш ва мазмун жихатидан ислоҳ қилиш учун ўқитувчиларни ва мураббийларни қайта тайёрлаш;

давлат ва ижтимоий муассасаларнинг касбга йўналтириш бўйича фаолиятини такомиллаштириш. Бунда касб танлашнинг бозор эҳтиёжлари ва имкониятларини эътиборга олиш зарур, токи ҳар бир шахс ўзига мос касбни эгаллай олсин;

ўқувчи ёшларни Ватанга садоқат, юксак ахлоқ, манаъвият ва маърифат, меҳнатга вижданан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;

таълим муассасаларини, биринчи навбатда умумтаълим мактабларини давлат тол^онидан молиявий ва моддий техникавий тў/иқ таъминлаш меъёrlарини ошириш ва унинг механизмини такомиллаштириш;

кадрлар тайёрлаш тизими истеъмолчилари корхоналар, муассасалар, фирмалар, хиссадорлик жамиятлари, банклар ва бошқа тузилмаларнинг имкониятларидан, биринчи навбатда, ўрта маҳсус касб — хунар ўқув юртлари ва олий ўқув юртларининг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш учун мумкин . қадар кенгроқ фойдаланиш;

кадрлар тайёрлаш ва таълим соҳасига чет эл сармоялари, халқаро донорлик ташкилотлари ва жамғармсаларининг маблағларини жалб этиш;

конун доирасида ўқув режалари, дастурлари ва ўқитиши ўриқлари, таълимий хизматларни белгилашда таълим муассасаларига, биринчи навбатда, олий ўқув юртларига мустақиллик бериш ва ўзини ўзи бошқариш усувларини жорий этиш.

Табиийки, бундай мураккаб вазифаларни амалга оширишда давлат ва жамиятнинг маъсулияти алоҳида ахамият касб этади. Давлат ва жамият кадрлар тайёрлаш тизимини узлуксиз ривожлантириш ва такомиллаштириш кафили бўлиши зарур. Улар юқори малакали, рақобатга қодир мутахассислар тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғулаштириш лозим.

Маълумки, халқ таълимининг асосий бўғинини узлуксиз таълим тизими ташкил этади. Узлуксиз таълимни давлат таълим стандартлари ва тегишли таълим дастурлари билан таъминлашда, аввало, уларнинг жаҳон талаблари даражасида бўлишига, юксак маънавият заминида қурилганига асосий эътибор бериш керак. Шу боисдан республикадаги умумтаълим дастурларини мактабгача тарбия, бошланғич, умумий таълим ва мактабдан ташқари таълим тарзида тузиш мақадга мувофиқдир.

1. Мактабгача таълим. Уч ёшдан бошланиб, олти —етти ёшгacha оиласда, болалар боғчасида ва мулкчилик кўринишидан қатъий назар, бошқа хил таълим ташкилотларида олиб борилади.

2. Бошланкич таълим. 1—4 синфларни ўз ичига олади ва бунда ўқиш олти — етти ёшдан бошланади.

3. Умумий таълим. Бунда ўқувчиларга 5 — 9 синфлар доирасида билим ва тарбия берилади.

Алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак: умумтаълим мактаби барчамиз учун мажбурий бўлиб, уларда болаларимизга умумий билим асосларини чуқур ўргатишимиз керак, том маънода фарзандлрмизнинг дунёқарашини шакллантириш ва кенгайтиришимизга асос солишимиз керак.

4 Ўрта махсус билим ва касб —хунар таълими. Ўқиш муддати 3 йиухдан кам бўлмаган ақадемик ва касб —хунар лицейлари ва коллежлари.

5. Олий мутахассислик таълими одатда, 18—19 ёшдан бошланиб, тўрт йилдан кам бўлмаган муддатда давом этади. Олий мутахассислик таълими бакалаврлик ҳамда магистратурага бўлинади.

Бакалаврли к — базавий олий таълим бериш демакдир. Унда ўқиш камида 4 йил давом этиб, олий маълумот ва таянч мутахассислик дипломини олиш билан тугайди.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича отшй касбий таълим бўлиб, бакалаврлик негизида камида икки йил давом этади. Ундаги таҳсил якуний квалификацион давлат аттестацияси ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш билан ниҳояга етказилади.

Шу билан бирга, биз ўз эҳтиёжларимиз ва ички шароитларимиздан келиб чиқиб, узлуксиз таълимнинг расмий тизимида якупловчи бир босқични ҳам жорий этишимиз керак. Бу босқич икки даражага бўлинади, яъни аспираитура ва докторантурадан иборат.

Аспирантура. Нихоясига етказилган магистрлик негизида 3 йил давом этади. Аспирантуранинг мақсади —муайян мутахассисликлар бўйича олий квалификацияли илмий ва илмий —педагогик кадрларни шакллантириш. Аспирантура ақадемик ва квалификацион имтиҳонлари ҳамда номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш билан якупланади. Бу якупларга кўра, танланган мутахассислик бўйича «фан номзоди» илмий даражаси берилади. Докторантурда фан номзоди илмий даражаси негизида 3 йил давом этади, диссертация ҳимоя. қилиш билан якупланади.

Якунига кўра, танланган мугахассислик бўйича «фан доктори» илмий даражаси берилади. Бошқача айтганда, бу соҳада аввалги тартиб сақланиб қолади.

Булардан ташқари, янги тизимда қўшимча касбий таълим — қайта тайёрлаш ва малака ошириш масаласига ҳам катта эътибор беришимиз керак,

Таълим —тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини таҳу́ил этишда уларнинг минтақалардаги вазиятини баҳолаш умумтаълим дастурларининг бажарилишини таъминлашга хизмат қиласиди. Ҳозирга келиб, республикада интенсив равишда таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёни ривожланмоқда. Мамлакатда 7 тилда 170 номдаги дарслик ва ўқув адабиётлари нашр этилмоқда.

1999 — 2000 ўқув йилида умумий таълим мактабларининг сони 9849 тага етган ҳолда, унда таълим оловчилар миқдори эса 5820,9 мингга етган.

3. Мактаблар географияси

Таълим географиясида мактаблар тўрининг худудий жойлашуви масаласи ўта муҳим хисобланади. Шу боисдан республикамиз вилоятлари миқёсида умумий таълим мактабларининг 1999 — 2000 ўқув йилларидағи холатини таҳлил қилганимизда Самарқанд (1226 та) ва Қашқадарё вилояти (1086 та) етакчи эканлигини кузатамиз. Фарғона, Тошкент, Сурхондарё вилоятларида ҳам мактаблар сони нисбатан қўпdir (2 — жадвалга қаранг).

Республикамиз жами ахолисининг 8,8 фоизини ўзига мужассам этган Тошкент шаҳрида 380 та мактаб бўладиган бўлса, худди шундай 7,9 фоиз мамлакат ахолиси яшайдиган Наманган вилоятида 675 та, Андижон (8,9 фоиз ахоли) 760 та мактабга эга. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, худудлардаги мактаблар тўрининг жойлашувида уларнинг сони билан бирга, қуввати (ўринлар сони, замонавийлиги, техника таъминоти, катта —кичиклиги) ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда умумий таълим мактабларида таълим оловчи ўқувчилар миқдорини ҳам таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Дарҳақиқат, умумий ўрта таълим мактабларида таълим оловчилар сони Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида нисбатан юқори бўлса, Сирдарё, Хоразм, Жиззах ҳамда Бухоро вилоятларида эса уларнинг бирмунча камлигининг гувоҳи бўламиз. Бунга вилоятларнинг тарихий, иқтисодий —иҷтимоий ва демографик ривожланиши ҳам таъсир кўрсатади.

Маъмур ий	Мактаблар		Укувчилар	
	1998/99	1999/20	1998/9	1999/2
Узбекисто	9860	9849	5686,0	5820,9
Қорақалпоғи	770	772	379,1	380,3
Анлижон	769	760	487 2	514 4
Бухоро	535	536	324 9	328 2
Жиззах	513	537	231 4	243 3
Навоий	378	377	187 6	190 9
Наманган	679	675	451 0	466 1
Самарқанд	1229	1226	666 4	677 7
Сурхондарё	804	812	441 2	455 5
Сирдарё	343	324	159 2	155 4
Тошкент	911	909	502 3	509 8
Фарғона	918	918	608 6	632 7
Кашқаларё	1080	1086	547 8	564 6
Хоразм	540	337	326 6	331 4
Тошкент			372 7	370 6

Республикада мактаблардан ташқари маҳсус коллеж ва академик лицейлар ҳам барпо этилмоқда. 1999 — 2000 ўқув йилининг бошида 30 та академик лицей ва 120 та профессионал коллежлар фаолиятини бошладилар. Уларда таълим олувчилар мос равишда 7,3 ва 30,2 мингтани ташкил этади. Янги типдаги ўқув юртлари қаторида республикада 224 та ўрта маҳсус ўқув юртлари 266,9 минг ўқувчи контингенти билан фаолият юритмоқда.

Мамлакат интеллектуал салоҳияти ундаги мавжуд олий ўқув юртлари ва уларнинг фаолияти билан белгиланади. Шу боисдан республикадаги ўрта таълим ва ўрта маҳсус ўқув юртлари билан бир қаторда Олий ўқув юртларининг географиясини таҳлил қилинмиизда қуидагиларни кўришимиз мумкин. Чунончи, 1999 — 2000 ўқув йилида Олий ўқув юртларининг умумий сони 64 та бўлиб, ундаги таълим олаётган талабалар 166,5 мингтани ташкил этди. Мазкур ўқув йилидан бошлаб республика олий ўқув юртларида халқаро стандартлар асосида кўп соҳали мугахассисларни тайёрлашни бошлади. Давлат стандартлари ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Шунга мос равишда Олий таълим икки босқичда: бакалавриат ва магистратура шаклига эга бўлди. Олий ўқув юртлари республикада ўзига хос географик кўриниш касб этади. Жумладан, уларнинг энг кўпи, яъни 28 таси мамлакатимиз пойтахти Тошкент шахрига тўғри келади. Иккинчи ўринни Самарқанд вилояти эгаллайди. Бу вилоятдаги олий ўқув юртларининг умумий сони жами Олий ўқув юртларининг 0,9 фоизини ташкил этади. Ушбу вилоятдаги олий ўқув юртлари сонининг нисбатан кўплиги ҳаммамизга маълум бир қатор тарихий, ижтимоий — иқтисодий омиллар билан белгиланади. Фарғона иқтисодий райони ва Бухоро вилоятмдан бошқа барча вилоятларда уларнинг миқдори 1 — 2га тўғри келади.

Республикадаги мавжуд олий ўқув юртларига ўқишига кираётган бакалавриатлар сони охирги ўқув йилида 39,5 минг кишини, шундан пулли шартнома асосида қабул қилинганлари 45 фоизни ташкил этмоқда. Барча Олий ўқув юртларидан 25 таси магистратурага қабул қилиш хукуқига эга. Магистратура шаклида 1999 — 2000 ўқув йилида жами 2012 та киши қабул қилинган бўлиб, улардан пулли шартнома асосида ўқишига қабул қилинган. Магистратурада таълим оловчи магистрларга бўлган талаб мамлакатимиз худудларида борган сари ошиб бориши табиий.

Савол ва топшириқлар

1. Таълим географияси нима, унинг ижтимоий географияда тутган ўрни қандай?
2. «Таълим ҳақида»га Конун республикамизда қачон қабул қилинган?
3. Ўзбекистонда таълим тизимлари қандай ташкил этилган?
Чет мамлакатлар таълим тизимлари ҳақдда нималар биласиз?

ЕТИНЧИ БОБ. ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАР ГЕОГРАФИЯСИ

1. Қишлоқ жойлар географиясининг вужудга келиши

Замонавий иқтисодий ва социал географиянинг тараққиёт йўлини собиқ иттифоқ иқтисодий география фанисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ушбу фан ривожланишининг бошланғич даврида инсоннинг хўжалик фаолияти билан бевосита алоқадор масалаларни ўрганишига катта эътибор берилди. Зоро, совет давлатининг дастлабки йилларидан оқ, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш давлат иқтисодий сиёсатининг бош мақсади бўлиб ҳисобланган. Мазкур шарт шароитлар таъсири ва натижаси ўлароқ, иқтисодий география гуркираб ўси, унинг моддий ишлаб чиқариш билан боғлиқ қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт каби тармоқлари ривожланишда анча илгарилаб кетди. Ушбу иқтисодий географиянинг яна бир муҳим жихати шахарлар йўналишининг шаклланиши ва ривожлантирилиши билан белгиланади.

Шулар билан бирга собиқ Совет иқтисодий географиясининг йирик намоёндалари ўша даврлардаёқ моддий бройликлар яратувчи тармоқларни географик ўрганиш билан бир қаторда ижтимоий соҳаларни, хусусан аҳоли ва унинг ижтимоий эҳтиёjlари билан боғлиқ масалаларни географик тадқиқ этишининг зарурлигини ҳам таъкидлаганлар.

Собиқ Ипгифоқ давридан бошлаб иқтисодий география бағридан аҳоли географияси ўсиб чиқди. Бунинг натижасида бевосита аҳоли ва унинг ижтимоий ривожланиши билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш ишлари қучайди, яъни иқтигодий географиянинг замирида ижтимоий

(социал) география шаклланди ва натижада иқтисодий география ўтган асрнинг 80 —йилларига келиб иқтисодий ва ижтимоий географияга айланди. Айнан шу даврдан бошлаб географияда «қишлоқ жойлар» термини қўлланила бошланди, ва шунингдек, қишлоқ жойларни иқтисодий географик жиҳатдан ўрганишнинг зарурлигини иқтисодий ва ижтимоий географиянинг қишлоқ хўжалиги ҳамда аҳоли географиясининг вакиллари бўлган С.А.Ковалев, А..И. Ллексеев, Г.Л.Фактор, А.Н.Ракитниковлар томонидан таъкидланган эди.

Аҳоли ҳамда қишлоқ хўжалиги географияси вакиллари томонидан қишлоқ жойлар ижтимоий ва иқтисодий географик тадқиқотларнинг ўзига хос обьекти эканлиги, уларнинг барча хусусиятларини ўзида мужассам этган белгилари йиғиндиси, ва шунингдек, қишлоқ жойлар ривожланишининг баъзи бир ижтимоий иқтисодий жиҳатлари, қишлоқ жойларни ижтимоий ва иқтисодий географик ўрганишнинг вазифалари, қишлоқ жойларни комплекс географик ўрганишни фанлар тизимида тутган ўрни, унинг бошқа иқтисодий ва социал географик фанлар билан ўзаро алоқаси каби масалалар очиб берилди. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги ва ахчэли географияси билан қишлоқ жойлар географияси ўртасида кўприк пайдо бўлди. Шундай қилиб, қишлоқ жойлар географияси нафакат қишлоқ хўжалиги ва аҳоли географияси, балки саноат, транспорт ва бошқа тармоқлар географияларининг меросхўри эканлиги аниқланди, ёки бошқача қилиб айтганда, К.ИШАОҚ жойлар географияси юқоридаги йўналишларнинг қиррасида шаклланмоқда (Максимов , 1992, 6-7 б.).

Кейинги икки ўн йилликлар мобайнида қишлоқ жойлар бир қатор фанларнинг муҳим тадқиқот обьектига айланди. Уларни географик жиҳатдан ўрганишда А.И.Алексеев С.А.Ковалев, В.А.Максимовларнинг хизматлари катта. Жумладан, А.И.Алексеев (1989), В.-А.Максимовлар (1985, 1998).томонидан қишлоқ жойлар географияси китоблари чоп этилди. Қишлоқ жойларни тадқиқ этишда А.И.Алексеев, аввало бу жойларнинг аҳолиси, аҳоли яшаш жойлари, ахолининг турмуш тарзи, социал соҳаларнинг ривожланиши масалаларига эътиборни қаратган бўлса, В.А.Максимовник ишларида қишлоқ жойларнинг ишлаб чиқариш масалалари кўпроқ ёритилган. Шунингдек, қишлоқ жойларни чуқу[^]) тадқиқ этишда социология фани алоҳида ўрин тутади. Айниқса, қишлоқ жойлар аҳолисининг ҳудудий — ижтимоий тузилиши, ижтимоий ривожланиши, турмуш тарзи ва бошқа масалалар. Т.И.Заславская, Р.В.Ривкина ва бошқа тадқиқотчилсф томонидан ўрганилган.

Умуман олганда, қишлоқ жойлар худди шаҳар жойлари каби муҳим. ижтимоий вазифаларни бажаради. Улар ўз ҳудудига, ижтимоий —иқтисодий тузилмаларга эга. Уларни комплекс ўрганиш, тадқиқ этишда, географиянинг роли катта.

2. Қишлоқ жойлар географик тадқиқотларнинг обьекти сифатида

География фанлари тизимида қишлоқ жойлар -бу комплекс тадқиқот объектларидан биридир. Уларни нафақат географлар, балки иқтисодчилар, социологлар, экологлар ҳам ўрганади. Бошқа соха вакилларидан фар[^]уш, ўлароқ, географлар, энг аввало қишлоқ жойларни, уларнинг компонентларини (табиат, ахоли, хўжалик) алоҳида олинган ҳолда, ҳамда бир бутунликда, яъни мажмуали тарзда ривожланишининг худудий қонуниятларини ўрганишга асосий эътиборни қаратадилар.

Қишлоқ жойлар илмий — тадқиқотларнинг комплекс ва ўзига хос обьекти бўлишига шубҳа йўқ. Чунки, улар катта — катта майдонларни, муайян табиий шарт —шароит ва минерал хом ашё салоҳиятини, ахоли, унинг жойлашув тизими ва ижтимоий тузилмаларини, хос ижтимоий ҳамда ишлаб чиқариш салоҳиятини ўзида мужассамлаштирган худудлар ийғиндисидан иборатdir.


Ҳозирги даврда қишлоқ жойлар бир бутун, комплекс тарзда ўрганилган тадқиқотларни етарли деб бўлмайди, аммо иқтисодий ва ижтимоий география ва турдош фанлар доирасида унинг компонентлари (турли даражада ва аспектларда) тадқиқ этилган. Айниқса, ўтган асрнинг 80 — йилларига келиб, қишлоқ жойларни (худди шахар жойлари каби) хар томонлама ўрганишнинг зарурлиги кўпчилик мутахассислар (С.А.Ковалев, А.И.Алексеев) томонидан таъкидланган эди.

Агарда, жамиятнинг худудий ташкил этилишини шартли равишда шаҳар ва қишлоқ жойларга ажратсак, у ҳолда уларни нафақат алоҳида — аадҳида, балки комплекс ва ўзаро алоқадорликда илмий —тадқиқ этиши мағсаддага мувофиқдир.

Қишлоқ жойлар — бу шаҳарлардан ташқаридаги ахоли яшайдиган барча жойлардир (Ковалев, 1980, 6.173). Қишлоқ жойларга берилган бундай қисқа ва лўнда таърифни В.А.Максимов (1992, б. 8) янада ривожлантиргани ҳолда, уни табиий шароит ва ресурслар, қишлоқ аҳолиси ва унинг ўзига хос турмуш тарзи, одамлар меҳнати натижаси — турли туман асосий фондлар, қишлоқ аҳолисининг ишлаб чиқаркш фаолияти кабилар билан бойитди (1 — расм).

1 — расм. Қишлоқ жойларнинг тузилиши ва унинг элементларини ўзаро алоқадорлиги.

1 – расм. Қишлоқ жойларнинг тузилиши ва унинг элементларини ўзаро алоқадорлиги.



Қишлоқ жойларнинг бирламчи ижтимоий вазифаларидан бири қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиширишдан иборат. Бу эса қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ барча ишлаб чикдриш тармоқларини аввалроқ илмий ўрганилишига асос бўлади. Аммо, шунга кдрамай, қишлоқ жойларнинг асосий ижтимоий' моҳиятини фақатгина, қишлоқ хўжалиги ёки қишлоқ аҳолиси билангина тушунтириш хам мантицаン тўла маъно касб этмайди. Бунинг учун уларнинг табиий, ижтимоий — иқтисодий, демографик ва хатто экологик хусусиятларини хам тўла қамраб олиш керак. Буларнинг барчасини ўзида мужассам этган том маънодаги илмий тадқиқотлар бугунги кун талабита жавоб бера олади.

Қишлоқ жойлар мавжуд барча белгилари ва ривожланиш хусусиятларига кўра минтақавий тафовутларга хам эга. Шунингдек, улар турлича вазифаларни хам бажарадилар. Қишлоқ жойларнинг асосий вазифаларидан бири — бу (1) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш ва қисман уни қайта ишлашдан иборат. Ушбу вазифа бошқаларга кўра кўпроқ қишлоқ жойлар учун хослиги билан ажралиб турди. Маълумки, қишлоқ хўжалиги ерлари, ўрмон хўжалиги ва ёкоч тайёрлаш, овчилик, балиқчилик каби тармоқлар асосан қишлоқ жойларда мужассамланган. Қишлоқ жойларнинг рекреация функцияси (2) — кўпроқ шахар аҳолисига хизмат қиласи. Қишлоқ жойлар шаҳарликлар учун дам олиш масканлари ролини ўйнаса, қишлоқ аҳолисининг ўзи учун яшаш жойларидан иборат бўлиб хисобланади. Ҳозирда хўжаликнинг муҳим тармоқига айланиб бораётган рекреация хизматининг кўплаб муассасалари (дам олиш

зоналари, уйлари, болалар лагерлари, турбазалар, санатория ва пансионатлар) қишлоқ жойларда вужудга келтирилди.

Қишлоқ жойлар коммуникация элементларининг «коридори» вазифасини (3) ҳам бажаради. Зеро, автомобил, темир йўл, қувур йўллари, дарё транспорти, электр узатиш линиялари ҳам айнан қишлоқ жойлар орқали ўтади. Уларнинг иш шароитларини таъминлаб туриш ҳам қишлоқ жойларнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Қишлоқ жойлар шахарларни меҳнат ресурслари билан таъминлашда (4) ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ жойларда айрим «шахар, ик» хўжалик тармоқлари (5) ҳам жойлашган. Улар жамласига, қазиб оловчи (қурилиш материалларини қазиб оловчи каръерлар, конлар) ва қайта ишловчи саноатнинг айрим кичик корхоналари киради. Бундай корхоналар ўз хажмларининг кичикилиги сабабли шахар хосил қилишга ожизлик қиласидар. Ўрмон хўжалиги ва ёғоч тайёрлаш ҳам қишлоқ жойларга хос функциялардан (6) биридир. Қишлоқ жойларнинг табиатни муҳофаза қилиш функциясида (7) - С.А..Ковалев икки турини ажратади: 1) табиатни муҳофаза қилувчи тадбирлар (қўриқхоналар, заказниклар, миллий парклар); ва 2) шахар чиқитларининг «қабристони» сифатида. Қишлоқ жойлар овчилик ва балиқчилик хўжаликларини (8) ривожлантиришда ҳам катта аҳамиятга эга. Шунингдек, Т.И.Заславская уларнинг «тарихий — маданий» функциясини (9) ҳам ажратади (1978, с.30). Бунда у қишлоқ аҳолисининг табиий такрор барпо бўлиши ва унинг маданий — маънавий эҳтиёжларини қондирилишини таъкидлаган.

Қишлоқ жойларнинг жамиятда тутган ўрни, роли ва аҳамияти ўларнинг бажарадиган вазифаларидан ҳам аён бўлади. Юқорида уларнинг ташқи вазифалари айтиб ўтилди, холос. Шунга қарамай, улар турли — туман ва бир — биридан фарқланади. Уларни ўзаро боғловчи, уйғун холда ривожланишини таъминловчи худудий бирикма эса қишлоқ жойлардир.

3. Қишлоқ жойларни географик ўрганиш

Қишлоқ жойларни кўпчилик фан тармоқлари ўрганади. Аммо, география учун у «хос» тадқиқот обьектидир. Қишлоқ жойлар худуди ва унда мужассам бўлган барча воқеа — ходисалар муайян бир шароитларда вужудга келган, шаклланган ва ўзининг ривожланиш қонуниятларига эга. Уларнинг худудий қирраларини очиб бериш, қонуниятларини аниқлаш ва хулосалар олиш энг аввало географларнинг вазифасидир.

Қишлоқ жойларни географик тадқиқ этишнинг методологик муаммоларидан бири — уни ўрганишдаги турли йўналишларни ўзаро нисбати ва боғлиқлигидир (Алексеев, 1990. б. 20).

Иқтисодий йўналиш қишлоқ жойларни ўрганишда ҳозирга қадар анъанавий бўлиб келмоқдд. Бунда моддий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги масаласига катта эътибор қаратилади. Шунингдек, қишлоқ жойларнинг бошқа барча элементларини (хизмат кўрсатиш соҳалари, аҳоли ва унинг жойлашуви, табиий шароит ва ресурслар) моддий ишлаб чиқаришга таъсири ва уларни иқтисодий ба^олаш масалалари ҳам ўрганилади. Сўнгги

йилларда қишлоқ жойларни социал—географик жихатдан тадқиқ этиш ишлари кучаймоқда. Уларни асосий мазмуни эса қишлоқ жойларнинг барча кирраларини ахоли ва унинг турмуш шароитлари ва фаолияти нұқтаи — назаридан баҳолашга қаратылған.

Бугунги кунга келиб, қишлоқ жойларни тадқиқ этишнинг айтиш мүкінкі, янғи, экологик — географик йұналиши шаклланмоқда. Бундай тадқиқттарнинг марказида хұжалик ва ахолининг табиий мұхит билан ўзаро алоқадорлығы ва унинг ўзгаришлари, ландшафтларнинг инсон таъсирига чидамлилиғи ва бошқа масалалар ётади.

Қишлоқ жойларнинг барча элементларини юқоридаги уч йұналиш бүйіча бир хилда ўрганилған деб бўлмайди. Қишлоқ хұжалигидан ташқари моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа элементлари, ва шунингдек хизмат кўрсатиш соҳалари яхши ўрганилмаган. Умумий тарзда, қишлоқ жойлар ва унинг элементларини иқтисодий, социал ва экологик йұналишларга асосланған холда географик тадқиқ этишни қўйидагича тасвирлаш мумкин (3 — жадвал).

Қишлоқ жойлар ва айниқса қишлоқ ахолисининг турмуш шароитлари ва ҳаёт тарзи, қадриятлари, аньана ва урф — одатлари географик жихатдан яхши ўрганилмаган.

Қишлоқ жойларни социал — географик тадқиқ этиш, аввало ушбу жойларни ахолининг ҳаёт шароитлари ва турмуш тарзи томонидан амалга оширилади. Бундай тадқиқттарнинг аҳамияти айниқса, хозирги даврда ошиб бормоқда. Қишлоқ жойларда олиб бориладиган социал — географик тадқиқтлар, аввало, бу ерларда яшовчи ахолининг таркиби ва тадрижий ўзгаришларини, табиий, ишлаб чиқариш ва бошқа ҳаёт шароитларини, турмугя тарзини ҳамда уларни ахолининг онгода қандай акс этиши масалаларини қамраб олиши лозим.

Қишлоқ жойларни географик тадқиқ этишнинг мұхим илмий — амалий қирраларидан бири — уларни тур(тип)лар ва табақалар(класслар)га ажратылған. Бундай тадқиқтлар айрим олимлар томонидан бажарылған холос. Уларнинг илмий асосларини мұкаммаллаштириш, такомиллаштириш мұхим масалалардан биридир.

Турдош фан соҳалари вакиллари билан ҳамжиҳатликда қишлоқ жойларни мураккаб табиий — социал — иқтисодий тизим сифатида географик жихатдан ўрганишнинг методологиялық ва методик масалаларига қўйидагилар киради: қишлоқ жойларнинг таркиби ва чегараларини аниклаш; қишлоқ ва шахар жойларининг ўзаро алоқадорлығы, айирбошлашуви, уларнинг функцияларини

Қишлоқ жойларда географик тадқиқотларнинг тематикаси

Тадқиқот йўналиш лари	Табият	Қишлоқ жойларнинг элементлари				Аҳоли
		Қишлоқ хўжалиги	Саноат, қурилиш, транспорт, ўрмон хўжалиги	Илмий тадқиқот ва кадрлар тайёрлаш	Хизмат кўрсатиш соҳалари (ХКС)	
Иқтисодий	Табиий шароит ва ресурсларни иқтисодий баҳолаш	Қишлоқ хўжалигини оқилона ҳудудий ташкил этиш	Уларни оқилона жойлаштириш; АСК таркибиде қишлоқ хўжалиги ва бир – бири билан ва шунингдек, қишлоқ жойларнинг табиий ҳамда меҳнат ресурсларидан ўзаро фойдаланишдаги алоқалари	Қишлоқ жойларда уларни оқилона жойлаштириш	ҲКСнинг ҳудудий ташкил этиш шаклларини иқтисодий самародорлиги. ХКСни кадрларнинг таркиби ва таъминланганли – гига таъсирини аниқлаш.	Меҳнат ресурслари сони ва улардни фойдаланиш Аҳолининг меҳнат малақалари
Социал	«Табиятта ижтимоий» ни қишлоқ жойларни ит ўзига хос	Қишлоқ хўжалигига меҳнат шароитлари тавсифи ва уни	Меҳнат шароитлари ва тавсифи бўйича қишлоқ хўжалиги билан ўзаро муносабати. Аҳолининг таркиби	Уларни аҳолининг таркиби ва турмуш тарзига тавсии.	Аҳолини ижтимоий хизматлар билан таъминланиши. ХКСни аҳолининг	Аҳолининг таркиби, турмуш тарзи ва шароитлари. Яшаш мухитини

	жихати экологияни. Табиятти аҳолининг турмуш шароит — лари ва турзига таъсири	аҳолининг таркиби ва турмуш тарзига таъсири	ва турмуш тарзига таъсири		турмуш шароитлари ва тарзига эҳтиёжларини шаклланишига таъсири	аҳоли томонидан қабул қилиниши Аҳолининг қадриятлари анъана ва урф — одатлари
Экологик	Ландшафт нинг ўзгарган — лий ва ифлосланғ анлик дражаси. Унинг ўз — ўзини тозалаш қобилияти	Қишлоқ хўжалиги ва табиятнинг ўзаро алоқадорли — ги. Табий муҳитни ўзгариши ва ифлослани — ши.	Уларни табний муҳитта таъсири. Табиятни автотранспорт саноат томонидан ифлосланиши.	Табий мухитга таъсири: маҳсус фойдаланилади ган жойларни вужудга келириш	Табий мухитга таъсири: ноишлаб чикарип оқавалари, ёғоч тайерлаш таъминоти башқалар	Маншай фаолият ва дам слиш жарәёнида аҳолини табий муҳитта таъсири

Манба: Алексеев А.И. 1990 с.22 – 23.

хозир ва келажакда ўзаро бир — бирини тўлдириши; қишлоқ жойларни географик жихатдан ўрганишда иқтисодий ва социал жихатларни уйғунластириш; қишлоқ жойларни турларга ажратиш; турли типга мансуб қишлоқ жойларнинг ижтимоий — иқтисодий ривожланиш жараёнларини тахлил ҚИАИШ ва келажак ривожланишини аниқлаш.

Кўрсатиб ўтилган масалалар қишлоқ жойларни комплекс илмий — тадқиқ этишнинг муҳим жихатларини қамраб олади. Шунинг билан бирга ҳозирги, янги иқтисодий негизларга ўтиш давридаги ўзгаришлар (мулкчиликнинг шаклланиши, кўп укладли иқтисодиёт ва б.) қишлоқ жойларни комплекс ўрганишда эътиборга олиниши лозим.

Савол ва топшириқлар

- 1 . Қишлоқ жойларнинг таърифини айтинг.
2. Қишлоқ, жойларни географик ўрганишда аввало нималарга эътибор берилади?
3. Қишлоқ жойларни географик ўрганган олимлар ва уларнинг асарларини санаб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1 . Абрамов М.А. География сервиса (Сфера обслуживания в СССР).- М.:Мысль, 1985,
2. Агафонов Н.Т. Задачи советской социальной географии на новом этапе// Проблемы социальной географии СССР и зарубежных стран. Л., 1985.
3. Азимов Ш. Социал — иқтисодий география: моҳият, мақсад ва вазифалар/Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва геоэкологик муаммолари. Т., 1994.
4. Акрамов З.М. Истиқлол ва география./ Ўзбекистон

Республикаси География жамияти IV съезди
материалари. I қисм. —Т., 1995.

5. Алаев Э.Б. Социально-экономическая география. Понятийно-терминологический словарь.-М.:Мысль, 1983.
6. Алексеев А.И. География сельской местности. М., 1989
7. Алексеев А.И. Многоликая деревня: (население и территория).-М.:Мысль, 1990.
8. Алексеев А.И., Ковалев С.А., Максимов В.А. Основные вопросы! географического изучения сельской местности // Сельская местность: территориальные аспекты! социально-экономического развития Уфа, 1983.
9. Алексеев А.И., Ковалев С.А. Ткаченко А.А. География сферы! обслуживания. Калинин, 1988.
10. Лсанов Г.Р. Ахоли географияси. Т.: Ўқитувчи, 1978.
11. Асанов Г., Набиходонов М., Сафаров И. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий журрофияси.—Т.: Ўқитувчи, 1994.
12. Баранский Н.Н. Становление советской экономической географии: Изб.тр.-М.:Просвещение. 1980.
13. Бўриева М.Р. Оила демографияси. Т., 1997.
14. Вайтекунас С. Территориальная организация социальной инфраструктурык Аналитический обзор.-Вильнюс, 1985.
15. Валентей Д.И.. Кваша А.Я. Основы: демографии.-М., Мысль, 1989.

16. Вопросы географии М., 1947, №5.
17. Вопросы географии М., 1980, №1 15.
18. География сферы обслуживания. Метод.указ.-Минск, 1987.
19. Заславская Т.И. Сельский сектор как объект долгосрочного социального прогнозирования. Новосибирск, 1978.
20. Зиямухамедов Б. Рекреацион география ва унинг муаммолари (Ўзбекистон мисолида). —Т., 1983.
21. Иванов В.Н. Социология сегодня. -М.: Наука, 1989.
22. Йўлдошев Ж.Ф. Хорижда таълим. Т.: «Шарқ», 1995.
23. Кабо Р.М. Природа и человек в их взаимных отношениях как предмет социально-культурной географии.-Вопросы географии, сб. №5 М., 1947.
24. Каримов И.А. Баркамол авлод орзузи. Т., Ўзбекистон, 2000.
25. Ковалев С.А. Изучение сельской местности в экономической и социальной географии//Вопросы географии. Сб. 115. 1980.
26. Комилова Н.К. Нозогеографическая ситуация в Бухарской области (территориальные аспекты заболеваемости населения). Автореф.дисс. на соиск. канд.геогр.наук.Т.,1999.
27. Когшлов В.А. География населения: Учеб.пособие.-М., 1999.
28. Лавров С.Б. Аспекты западной социальной географии// Вопросы географии. Сб.115. 1980.

29. Лавров С.Б., Сдасюк Г.В. Современная экономическая и социальная география. М., 1980.
30. Лавров С.Б., Анохин А.А., Агафонов Н.Т. Социальная география: проблемы становления научного направления // Социальная география СССР (проблемы методологии и теории). Л., 1984.
31. Лёш А. Географическое размещение хозяйства.-М., 1959.
32. Максимов В.А. География сельской местности (проблемы и методы исследования). Уфа, 1992.
33. Максимов В.А. Экономико-географическое изучение сельской местности. Уфа, 1985.
34. Манак Б.А. Методика экономико-географических исследований: (Учеб.пособие для геогр.спец.ун-тов). Мн.: «Университетское», 1985.
35. Медицинская география и здоровье: Сб.науч.трудов.-Л.:Наука, 1989.- (Современные проблемы географии).
36. Мересте У. Становление системной концепции предмета географии.-Учен.зап.ТГУ. Труды по географии. Тарту, вът. 623.
37. Мересте У.И., Ныммик С.Я. Современная география: вопросы теории. М., 1984.
38. Меркушева Л.А. География сферм обслуживания населения: теория и методология.-Красноярск, 1989.
39. Методология и методика системного изучения советской деревни. Новосибирск, 1980.
40. Назаров Б.П., Вольфсон И.Г. Развитие сферм обслуживания в условиях региона Узбекистана (Вопросы теории и практики.-Т., 1977).
41. Назаров М.И. Қишлоқ жойларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг худудий ташкил этилиши (Наманган вилояти мисолида), геогр. фанлари номзоди илмий даража олиш учун ёзилган дисс. Т., 1996.
42. Нышмик С.Я, Соотношение экономической, социальной и социально-экономической географии. Материалы научного совещания. Тарту, 1979.
43. Оллоёрөв Н.Қ., Жўраев Т.Т. Ижтимоий инфраструктура: унинг моҳияти, ривожланиши ва истиқболлари. Т., 1992.
44. Ота — Мирзаев О.Б., Қаюмов А.А. Ижтимоий география: кечак, бугун, эртага//Ўзбекистон Республикаси География жамияти IV съездидаги материаллари. 1 қисм,—Т., 1995.
45. Покшишевский В.В. Население и география: Теоретические очерки. М., 1978.
46. Проблемы социальной географии СССР и зарубежных стран. Сб.науч.трудов. Л., 1985.
47. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современность религии. Учеб.пособие для вузов. —М., 1996.
48. Райтвийр Т.В. Вопросы формирования социальной географии в системе географических наук// Социальная география СССР (проблемы методологии и теории). Л., 1984.
49. Рывкина Р.В. Образ жизни сельского населения. Новосибирск. 1979.

50. Саушкин Ю.Г. Экономическая география: история. теория, методы, практика.- М., 1973.
51. Саушкин Ю.Г. Аспекты советской социальной географии//Вопросы географии. Сб.115. 1980.
52. Солиев А.С. Социал географиянинг баъзи бир масалалари // Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва геоэкологик муаммоалари. Т.,1994.
53. Соляев А. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг долзарб масалалари. — Т., 1995.
54. Солиев А., Қаршибоева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва амолий маса/уалари. Т., 1999.
55. Социально-демографическое развитие села: региональный анализ. Под.ред. Т.И.Заславской, И.Б.Мучника.-М, 1980.
56. Социальная география СССР (проблемы методологии и теории). Сб.науч.трудов. Л., 1984.
57. Тенденции и пути дальнейшего развития сферы обслуживания Узбекистана(обзор). Абдурашидов Б.А.-Т.:УзНИИНТИ, 1988.
58. Тухлиев Н, Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. Т., 2000.
59. Теоретические основы рекреационной географии. М., 1975.
60. Царфис П.Г. Рекреационная география СССР.- М.: Мисль. 1979.
61. Хорев Б.С. Территориальная организация общества.- М., 1981.
62. Шадиметов Ю. Введение в социоэкологию: Учеб.для вуюш. Учеб. заведений. Ч 1.-Т.: Укитувчи, 1992.

Мундарижа

СЎЗ БОШИ

3

БИРИНЧИ БОБ. ИЖТИМОЙ ГЕОГРАФИЯНИНГ
ОБЪЕКТИ, ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

5

ИККИНЧИ БОБ. АҲОЛИ ГЕОГРАФИЯСИ

17

1 .Аҳоли географиясининг предмети, вазифалари ва

17

фанлар тизимида тутган ўрни

2. Аҳолининг географик ўрганилиши.

20

3.Аҳолининг тадрижий ўзгариши, жойлашуви ва

21

такрор барпо бўлиши

4.Ўзбекистон аҳолиси

26

УЧИНЧИ БОБ. ТИББИЁТ ГЕОГРАФИЯСИ

30

1. Тиббиёт географиясининг объекти, предмети ва вазифалари

30

2. Нозогеография

33

ТЎРТИНЧИ БОБ. РЕКРЕАЦИЯ ГЕОГРАФИЯСИ

40

1. Ҳудудий рекреация тизими — географиянинг ўрганиш объекти сифатида 40

2. Ҳудудий рекреация тизимларини шаклланишига таъсир этувчи омиллар 45

8. Ўзбекистон ҳудудий рекреация тизимлари

47

БЕШИНЧИ БОБ. АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

СОҲАЛАРИ ГЕОГРАФИЯСИ

50

1. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географиясининг объекти ва предмети

50

2. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг таркиби

55

3.Хизмат кўрсатиш соҳаларини ҳудудий ташкил этиш масалалари 62

ОАТИНЧИ БОБ. ТАЪЛИМ ГЕОГРАФИЯСИ

66

1. Таълим географияси, унинг объекти ва предмети				
66				
2. Ўзбекистон таълим тизими				
68				
3.Мактабларгеографияси				
72				
ЕТТИНЧИ	БОБ.	ҚИШЛОҚ	ЖОЙЛАР	ГЕОГРАФИЯСИ
75				
1.Қишлоқ жойлар геогрдфиясининг вужудга келиши.				
75				
2. Қишлоқ жойлар географик тадқиқотларнинг	объекти сифатида.			
77				
3. Қишлоқ жойларни географик ўрганиш				
80				
Фойдаланилган адабиётлар.				